



М.ЭРГАШОВ

**МАТЕРИАЛЛАР ҚАРШИЛИГИ
ҲИСОБЛАШ-ЛОЙИҲАЛАШ
ИШЛАРИ**



ТОШКЕНТ - “МОЛИЯ” - 2003

620.1
9-74

М. ЭРГАШОВ

МАТЕРИАЛЛАР ҚАРШИЛИГИ ҲИСОБЛАШ-ЛОЙИҲАЛАШ ИШЛАРИ

*Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан олий ўқув юртлари
учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

БИБЛИОТЕКА
Бух. ТНП и ЛП
№ 42770

ТОШКЕНТ — «МОЛИЯ» — 2003

42770

М. Эргашов. Материаллар қаршилиги ҳисоблаш-лойиҳалаш ишлари. —Т.: «Молия», 2003 й., 196-бет.

Қўлланма олий техника ўқув юртларининг кундузги ва сиртқи бўлим талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда материаллар қаршилиги фанининг ҳамма бўлимларига оид ҳисоблаш-лойиҳалаш ишлари масалалари ва уларни бажариш намуналари келтирилган. Қўлланмадаги масалалардан олий техника ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқитиладиган амалий механика ва техникавий механика фанларининг айрим бўлимлари бўйича амалиёт дарслари ўтиш ва талабаларга мустақил ишлар беришда ҳам фойдаланиш мумкин.

Тақризчилар: т.ф.д. проф. Т. Мавлонов
т.ф.д. проф. А. А. Абдусатторов
т.ф.д. проф. А. Жураев

© Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
«Молия» нашриёти. 2003 й.
© Тошкент тўқимачилик ва
енгил саноат институти, 2003 й.

КИРИШ

Маълумки, материаллар қаршилиги фани техника олий ўқув юртларининг талабаларига турли конструкциялар, машиналар деталлари ва иншоотларни мустаҳкамлиги, чидамлилиги ва ҳолатларининг устуворлиги ҳамда мустаҳкамлик, чидамlilik ва устуворлик шартлари бажарилиши учун конструкциялар материалларининг сифати, кундаланг кесимларининг юзалари, шакллари ва ҳолатлари қандай бўлиши кераклигини ҳисоблаш ва тажрибада синашни ургатувчи умуммуҳандис фанлар қаторига киради. Шунинг учун материаллар қаршилиги фанининг намунавий дастурида маъруза ва амалиёт дарслари билан бир қаторда ҳисоблаш-лойиҳалаш ва лаборатория ишларини бажариш назарда тутилган. Техника олий ўқув юртларида олтитадан ун иккитагача ҳисоблаш-лойиҳалаш ишлари бажарилади.

Қўлланма техника олий ўқув юртларининг кундузги ва сиртқи бўлим талабаларига мулжалланган бўлиб, унда материаллар қаршилиги фанида утиладиган ҳамма бўлимларга оид уттизта вариантли бир нечта ҳисоблаш-лойиҳалаш ишлари тўпламлари ва уларни ечиш намуналари келтирилган.

Сиртқи бўлим талабаларига бериладиган ҳисоблаш-лойиҳалаш ишлари (назорат топшириқлари) юлдузча белгиси билан белгиланган бўлиб, уларни намунавий дастурга асосан қуйидаги кетма-кетликда бажариш тавсия этилади: 1.8, 1.9, 1.10, 2.4, 4.3, 5.4, 5.6, 6.2, 7.2, 9.2, 9.3, 11.3, 12.2, 13.1, 14.1, 15.1, 15.2, 16.1, 17.1, 18.1, 19.1.

Қўпчилик ишларни бажариш намуналарининг мавжудлиги талабаларга фан бўйича чуқур билим олиш ва назорат ишларини тез ва тўғри бажаришда қўл келади.

Техника олий ўқув юртларининг айрим йуналишларида ўқитиладиган амалии механика ва техникавий механика фанларига материаллар қаршилиги фанининг асосий тушунчалари киритилган ва бу фанларнинг намунавий дастурларида ҳам ҳисоблаш-лойиҳалаш ишларини бажариш режалаштирилган. Қўлланмадаги қўпчилик ҳисоблаш-лойиҳалаш ишлари амалий механика ва техникавий механика фанларининг намунавий дастурларидаги ҳисоблаш-лойиҳалаш ишларига қўйилган талабларга мос келади.

1. Чузилиш ва сиқилиш

1.1-масала. Уzunликлари a, b, c ва кўндаланг кесимларининг юзалари F ва $2F$ га тенг поғонали стерженга P_1 ва P_2 ташқи кучлар қўйилган. Стерженни кўндаланг кесимларидаги бўйлама куч, нормал кучланиш ва кучиш эпюраларини қуриш. Мустаҳкамлик шартини текширинг. Керакли маълумотлар 1.1-жадвалда келтирилган ($E = 2 \cdot 10^{11} \frac{H}{M^2}$, $[\sigma] = 1.6 \cdot 10^8 \frac{H}{M^2}$).

1.1-масалани ечиш намуналари.

Берилган: 1.1-шакл, $F = 1.6 \cdot 10^{-3} M^2$, $a = 0.55 M$, $b = 0.65 M$, $c = 0.75 M$, $P_1 = 6 \cdot 10^4 H$, $P_2 = 6.5 \cdot 10^4 H$, $P_3 = 6.6 \cdot 10^4 H$, $E = 2 \cdot 10^{11} \frac{H}{M^2}$.

Ечиш.

1) Стержен кесимларини A, B, C, D ҳарфлари билан белгилаб 1.1-шаклни ҳосил қиламиз.

2) Поғоналардаги бўйлама куч, нормал кучланиш, абсолют узайиш ва кўндаланг кесимларнинг кучишлари қуйидагича ифодаланади:

- AB поғонада ($0 \leq x_1 \leq a$)

$$N_{AB} = -P_2 + P_1 + P_3, \quad \sigma_{AB} = \frac{N_{AB}}{F_{AB}} = \frac{-P_2 + P_1 + P_3}{2F},$$


$$\Delta l_{AB} = \frac{N_{AB} AB}{EF_{AB}} = \frac{(-P_2 + P_1 + P_3)a}{2EF},$$

$$\delta_1 = \delta_A + \Delta l_{AB} = 0 + \frac{(-P_2 + P_1 + P_3)a}{2EF} = \frac{(-P_2 + P_1 + P_3)a}{2EF},$$

- BC поғонада ($a \leq x_1 \leq a+b$)

$$N_{BC} = P_1 + P_3, \quad \sigma_{BC} = \frac{N_{BC}}{F_{BC}} = \frac{P_1 + P_3}{2F}, \quad \Delta l_{BC} = \frac{N_{BC} BC}{EF_{BC}} = \frac{(P_1 + P_3)c}{2EF},$$

1.1-масаланинг шакллари





VII



VIII



IX



X



XI



XII




XIII



XIV



XV



XVI



XVII



XVIII



XIX



XX



XXI



XXII



XXIII



XXIV



XXV



XXVI



XXVII



XXVIII



XXIX



XXX

№	a	b	c	$10^4 F$	$10^4 P_1$	$10^4 P_2$
	м			м ²	Н	
1	0.10	0.15	0.16	11	1.0	1.5
2	0.20	0.25	0.26	12	2.0	2.5
3	0.30	0.35	0.36	13	3.0	3.5
4	0.40	0.45	0.46	14	4.0	4.5
5	0.50	0.55	0.56	15	5.0	5.5
6	0.60	0.65	0.66	16	6.0	6.5
7	0.70	0.75	0.76	17	7.0	7.5
8	0.80	0.85	0.86	18	8.0	8.5
9	0.90	0.95	0.96	19	9.0	9.5
10	0.25	0.15	0.10	11	1.0	1.5
11	0.35	0.25	0.20	12	2.0	2.5
12	0.45	0.35	0.30	13	3.0	3.5
13	0.55	0.45	0.46	14	4.0	4.5
14	0.65	0.55	0.56	15	5.0	5.5
15	0.75	0.65	0.66	16	6.0	6.5
16	0.85	0.75	0.76	17	7.0	7.5
17	0.95	0.85	0.86	18	8.0	8.5
18	0.10	0.15	0.10	19	9.0	9.5
19	0.20	0.25	0.20	18	8.0	8.5
20	0.30	0.35	0.30	17	7.0	7.5
21	0.40	0.45	0.40	16	6.0	6.5
22	0.50	0.55	0.50	15	5.0	5.5
23	0.60	0.65	0.60	14	4.0	4.5
24	0.70	0.75	0.70	13	3.0	3.5
25	0.80	0.85	0.80	12	2.0	2.5
26	0.15	0.25	0.35	12	2.0	2.5
27	0.25	0.35	0.45	13	3.0	3.5
28	0.35	0.45	0.55	14	4.0	4.5
29	0.45	0.55	0.65	15	5.0	5.5
30	0.55	0.65	0.75	16	6.0	6.5

$$\delta_c = \delta_B + \Delta l_{BC} = \Delta l_{AB} + \Delta l_{BC} = \frac{(-P_2 + P_1 + P_0)a}{2EF} + \frac{(P_1 + P_2)b}{2EF};$$

- CD поғонада ($a + b \leq x_1 \leq a + b + c$)

$$N_{CD} = P_1, \quad \sigma_{CD} = \frac{N_{CD}}{F_{CD}} = \frac{P_1}{F}, \quad \Delta l_{CD} = \frac{N_{CD}CD}{EF_{CD}} = \frac{P_1c}{EF},$$

$$\delta_D = \delta_C + \Delta l_{CD} = \Delta l_{AB} + \Delta l_{BC} + \Delta l_{CD} = \frac{(-P_2 + P_1 + P_0)a}{2EF} + \frac{(P_1 + P_2)b}{2EF} + \frac{P_1c}{EF}.$$

3) Мустваҳкамлик шарти

$$\sigma_{\max} = \frac{N_{\max}}{F} \leq [\sigma]$$

тенгсизлик орқали текширилади.

Жавоб: $\delta_A = 0$, $\delta_B = 0.61 \cdot 10^{-4}$ м, $\delta_C = 1.94 \cdot 10^{-4}$ м, $\delta_D = 3.48 \cdot 10^{-4}$ м.

1.2-масала. Узунликлари AB , BC , CD ва кўндаланг кесимларининг юзалари F ва $2F$ га тенг поғоналардан ясалган стерженни қуйи ва юқори чегаралари қўзғалмас қилиб маҳкамлаган. Стерженга P_1 ва P_2 ташқи кучлар қўйилган. Кўндаланг кесимлардаги бўйлама куч, нормал кучланиш ва қўчиш энжураларини қўринг. Керакли маълумотлар

1.2-жадвалдан олинади
($E = 2 \cdot 10^{11} \frac{H}{M^2}$, $[\sigma] = 1.6 \cdot 10^8 \frac{H}{M^2}$).


1.2-масалани ечишга оид кўрсатмалар.

Берилган: 1.2 — шакл; $F = 20 \text{ см}^2$; $a = 1.0 \text{ м}$; $b = 0.5 \text{ м}$; $c = 2.0 \text{ м}$;

$P_1 = 4 \cdot 10^4 \text{ Н}$; $P_2 = 6 \cdot 10^4 \text{ Н}$; $P_3 = 4 \cdot 10^4 \text{ Н}$.

Ечиш.

1) Масала бир марга статик аниқмас, чунки ҳамма актив ва реактив кучлар стерженнинг марказий ўқи бўйлаб таъсир этади. Шунинг учун статиканинг битга мувозанат тенгламасига қўшимча қўчиш тенгламаси тузиш зарур. Бунинг учун аввал қўидаги усул бўйича ҳисоб схемаси тузамиз:



1.2-шакл

— стержен қуйи чегарасидаги қўзғалмас боғланиш олиб ташланади;

— олиб ташланган боғланишнинг таъсири номаълум реактив куч R_D билан алмаштирилади, натижада 1.3 — шакл ҳосил бўлади.

2) Статиканинг мувозанат тенгламасини тузамиз

$$\sum X = 0, \quad R_A + P_1 - P_2 - R_D = 0 \quad (a)$$

Ҳосил бўлган тенгламада R_A ва R_D реактив кучлари номаълум.


3) Кесимлардаги бўйлама куч, нормал кучланиш ва абсолют узайишларнинг ифодаларини езамиз:

— CD поғонада

$$N_{CD} = R_D, \quad \sigma_{CD} = \frac{N_{CD}}{F_{CD}} = \frac{R_D}{2F}, \quad \Delta l_{CD} = \frac{N_{CD} \cdot CD}{EF_{CD}} \quad (6)$$

— BC поғонада


1.2-масаланинг шакллари



№	a	b	c	$10^4 F$	$10^4 P_1$	$10^4 P_2$
	M			M ²	H	
1	1.10	1.15	1.16	21	1.0	1.5
2	1.20	1.25	1.26	22	2.0	2.5
3	1.30	1.35	1.36	23	3.0	3.5
4	1.40	1.45	1.46	24	4.0	4.5
5	1.50	1.55	1.56	25	5.0	5.5
6	1.60	1.65	1.66	26	6.0	6.5
7	1.70	1.75	1.76	27	7.0	7.5
8	1.80	1.85	1.86	28	8.0	8.5
9	1.90	1.95	1.96	29	9.0	9.5
10	1.25	1.15	1.10	21	1.0	1.5
11	1.35	1.25	1.20	22	2.0	2.5
12	1.45	1.35	1.30	23	3.0	3.5
13	1.55	1.45	1.46	24	4.0	4.5
14	1.65	1.55	1.56	25	5.0	5.5
15	1.75	1.65	1.66	26	6.0	6.5
16	1.85	1.75	1.76	27	7.0	7.5
17	1.95	1.85	1.86	28	8.0	8.5
18	2.10	2.15	2.10	39	9.0	9.5
19	2.20	2.25	2.20	38	8.0	8.5
20	2.30	2.35	2.30	37	7.0	7.5
21	2.40	2.45	2.40	36	6.0	6.5
22	2.50	2.55	2.50	35	5.0	5.5
23	2.60	2.65	2.60	34	4.0	4.5
24	2.70	2.75	2.70	33	3.0	3.5
25	2.80	2.85	2.80	32	2.0	2.5
26	2.15	2.25	2.35	42	2.0	2.5
27	2.25	2.35	2.45	43	3.0	3.5
28	2.35	2.45	2.55	44	4.0	4.5
29	2.45	2.55	2.65	45	5.0	5.5
30	2.55	2.65	2.75	46	6.0	6.5

$$N_{BC} = P_2 + R_D, \quad \sigma_{BC} = \frac{N_{BC}}{F_{BC}} = \frac{R_2 + R_D}{F}, \quad \Delta l_{BC} = \frac{N_{BC} \cdot BC}{EF_{BC}}; \quad (B)$$

AB поғонада



1.3-шакл

$$N_{AB} = -P_1 + P_2 + R_n, \quad \sigma_{AB} = \frac{N_{AB}}{F_{AB}} = \frac{-P_1 + P_2 + R_n}{2F},$$

$$\Delta l_{AB} = \frac{N_{AB} AB}{EF_{AB}}, \quad (\text{г})$$

4) Стерженнинг А, В, С, D кесимлари кўчишлари қуйидагича ифодаланади:

- А кесим маҳкамланган бўлгани учун унинг кўчиши нолга тенг, яъни: $\delta_A = 0$ бўлади;

- В кесимнинг кўчиши

$$\delta_B = \delta_A + \Delta l_{AB} = \delta_A + \frac{N_{AB} \cdot AB}{EF_{AB}} = \delta_A + \frac{(-P_1 + P_2 + R_n)a}{2EF} = \frac{(-P_1 + P_2 + R_n)a}{2EF}$$

- С кесимнинг кўчиши

$$\delta_C = \delta_B + \Delta l_{BC} = \delta_C + \frac{N_{BC} DC}{EF_{BC}} = \delta_C + \frac{(P_2 + R_n)b}{2EF};$$

- D кесимнинг кўчиши

$$\delta_D = \delta_C + \frac{(P_2 + R_n)c}{2EF} = \frac{(-P_1 + P_2 + R_n)a}{3EF} + \frac{(P_2 + R_n)b}{EF} + \frac{(P_2 + R_n)c}{EF} = 0. \quad (\text{д})$$

Ҳосил бўлган (д) ифода стерженни D кесимнинг кўчиши ифодасидир. Масаланинг шартига кўра D кесим кўзгалмас қилиб маҳкамланган, яъни бу кесимнинг кўчиши нолга тенг

$$\delta_D = \delta_C + \frac{(P_2 + R_n)c}{2EF} = \frac{(-P_1 + P_2 + R_n)a}{2EF} + \frac{(P_2 + R_n)b}{EF} + \frac{R_n c}{2EF} = 0.$$

Охириги тенгламани қуйидагича ёзамиз

$$a(P_2 - P_1) + R_n a + 2bP_2 + 2R_n b + R_n c = 0$$

ёки

$$R_n(a + 2b + c) = -a(P_2 - P_1) - 2bP_2 = 0.$$

Демак

$$R_n = -\frac{a(P_2 - P_1) + 2bP_2}{a + 2b + c}.$$

5) *Текшириш.* Агар юқоридаги амалларнинг ҳаммаси тўғри бажарилса $\delta_D = 0$ бўлади.

Жавоб: $\delta_A = \delta_B = \delta_D = 0$, $\delta_C = 5 \cdot 10^{-7} \text{ м}$.

1.3-масала. Бошланғич ҳолатда стерженнинг қуйи чегараси ва деформацияланмайдиган горизонтал текислик орасида $\Delta = 5 \cdot 10^{-5} \text{ м}$ масофа мавжуд. Стерженга марказий ўқ бўйлаб йўналган P ташқи куч қўйилса қуйи чегара текисликка тиралиб қолади. Стержен кўндаланг кесимларидаги бўйлама куч, нормал кучланиш ва кучишларнинг эпюраларини қўринг. Мустахкамликни текширинг ($E = 2 \cdot 10^{11} \frac{\text{Н}}{\text{м}^2}$, $[\sigma] = 1.6 \cdot 10^8 \frac{\text{Н}}{\text{м}^2}$), керакли маълумотлар 1.3-жадвалдан олинадиган).

1.3-масалани ечишга оид услубий кўрсатмалар.

Берилган: 1.4-шакл.

Ечиш

Стерженга P чўзувчи куч қўйилганда унинг қуйи чегараси горизонтал текисликка тиралиб қолади. Натижада 1.5- шаклдаги бир марта статик аниқмас стержен ҳосил бўлади. Масаланинг ҳисоб схемаси 1.6-шаклда келтирилган.

Стерженни AB , BC , CD участкаларидаги бўйлама куч, нормал кучланиш ва абсолют кучишларнинг ифодаларини ёзмамиз:

- CD поғонада


$$N_{CD} = R_D, \quad \sigma_{CD} = \frac{N_{CD}}{F_{CD}} = \frac{R_D}{2F}, \quad \Delta_{CD} = \frac{N_{CD}CD}{EF_{CD}} = \frac{R_{CD}c}{2EF},$$

- BC поғонада


$$N_{BC} = P_1 + R_D, \quad \sigma_{BC} = \frac{N_{BC}}{F_{BC}} = \frac{P_1 + R_D}{F}, \quad \Delta_{BC} = \frac{N_{BC}BC}{EF_{BC}} = \frac{(P_1 + R_D)c}{EF},$$

- AB поғонада

$$N_{AB} = P_1 + R_D, \quad \sigma_{AB} = \frac{N_{AB}}{F_{AB}} = \frac{P_1 + R_D}{2F}, \quad \Delta_{AB} = \frac{N_{AB}AB}{EF_{AB}} = \frac{(P_1 + R_D)a}{2EF}.$$



1.4 шакл








1.5 шакл



1.6 шакл

1.3-масаланинг шакллари



№	<i>a</i>	<i>b</i>	<i>c</i>	$10^4 F$	$10^4 P_1$	$10^4 P_2$	$10^4 P_3$
	<i>м</i>			<i>м²</i>	<i>Н</i>		
1	1.40	2.15	2.16	21	1.0	1.5	1.6
2	1.50	2.25	2.26	22	2.0	2.5	2.6
3	1.60	2.35	2.36	23	3.0	3.5	3.6
4	1.70	2.45	2.46	24	4.0	4.5	4.6
5	1.80	2.55	2.56	25	5.0	5.5	5.6
6	1.90	2.65	2.66	26	6.0	6.5	6.6
7	1.20	2.75	2.76	27	7.0	7.5	7.6
8	1.30	2.85	2.86	28	8.0	8.5	8.6
9	1.40	2.95	2.96	29	9.0	9.5	9.6
10	1.55	2.15	2.10	21	1.0	1.5	1.6
11	1.65	2.25	2.20	22	2.0	2.5	2.6
12	1.75	2.35	2.30	23	3.0	3.5	3.6
13	1.85	2.45	2.46	24	4.0	4.5	4.6
14	1.95	2.55	2.56	25	5.0	5.5	5.6
15	1.25	2.65	2.66	26	6.0	6.5	6.6
16	1.35	2.75	0.76	27	7.0	7.5	7.6
17	1.45	2.85	0.86	28	8.0	8.5	8.6
18	2.50	1.15	0.10	39	9.0	9.5	9.6
19	2.60	1.25	0.20	38	8.0	8.5	8.6
20	2.70	1.35	0.30	37	7.0	7.5	7.6
21	2.80	1.45	0.40	36	6.0	6.5	6.6
22	2.90	1.55	0.50	35	5.0	5.5	5.6
23	1.60	1.65	0.60	34	4.0	4.5	4.6
24	1.70	1.75	0.70	33	3.0	3.5	3.6
25	1.80	0.85	0.80	32	2.0	2.5	2.6
26	1.15	0.25	0.35	42	2.0	2.5	2.6
27	1.25	0.35	0.45	43	3.0	3.5	3.6
28	1.35	0.45	0.55	44	4.0	4.5	4.6
29	1.45	0.55	0.65	45	5.0	5.5	5.6
3.0	1.55	0.65	0.75	46	6.0	6.5	6.6

Кучиш тенгламасини қуйидаги шартдан фойдаланиб тузамиз. Стержен қуйи чегарасининг кучиши δ_D аввалдан берилган Δ масофага тенг, яъни $\delta_D = \Delta$.

Бу тенгликнинг чап томонидаги δ_D ифодасини ёзамиз

$$\delta_D = \Delta_{AB} + \Delta_{BC} + \Delta_{CD} = \frac{(P_1 + R_D)a}{2EF} + \frac{(P_1 + R_D)b}{EF} + \frac{R_D c}{2EF}.$$

Бу ердан

$$(P_1 + R_D)(a + 2b) + R_D c = 2EFD.$$

Ҳосил бўлган тенглама номаълум реактив кучни аниқлаш учун хизмат қилади.

1.4-масала. Бошланғич ҳолатда стерженнинг қуйи чегараси ва деформацияланмайдиган горизонтал текислик орасида $\Delta = 4 \cdot 10^{-4}$ м масофа мавжуд. Стерженга бир вақтда P марказий куч қўйилса ва ҳарорат $\Delta T = T_1 - T_0$ га оширилса қўндаланг кесимлардаги бўйлама куч, нормал кучланиш ва кўчишлар қандай бўлишини аниқланг ҳамда уларнинг эпюраларини қўринг. Керакли маълумотларни 1.4-жадвалдан олинг.

Эслатма. Стерженга P ташқи куч қўйиш ва ҳаракатни ΔT га ошириш натижасида қуйи чегара горизонтал текисликка тиралиб қолади.


1.4-масалани ечиш намунаси.

Берилган: 1.7-шакл, $P = 10^4$ Н, $l_1 = 14$ м, $l_2 = 4$ м, $F = 1100$ см², $[\sigma] = 130 \frac{\text{Н}}{\text{мм}^2}$,

$\Delta t^\circ = +50^\circ$ ҳарорат узгариши.

Ечиш.


1) Стерженга P ташқи кучни қўйиб, ҳароратни ΔT га оширил-



1.7-шакл



1.8-шакл



1.9-шакл

гандан сўнг масаланинг шакли 1.8-шаклга ўхшаш кўринишга келади.

2) Ҳисоб схемаси 1.9-шаклда келтирилган.

3) Статиканинг мувозанат тенгламасини тузамиз:


$$\sum X = 0, \quad \text{яъни} \quad R_A - P + R_B = 0. \quad (a)$$

4) Қўшимча деформация тенгламасини қуйидаги шартдан фойдаланиб тузамиз:

$$\Delta l_1 + \Delta l_2 - \Delta l_{R_A} = 0, \quad (б)$$

бу ерда

$$\Delta l_1 = (l_1 + l_2) \Delta \alpha, \quad \Delta l_2 = \frac{Pl_2}{EF}, \quad \Delta l_{R_A} = \frac{Rl_1}{1.5EF} + \frac{Rl_2}{EF},$$



1.4-жадвал

№	<i>a</i>	<i>b</i>	<i>c</i>	$10^4 F$	$10^{-4} P_1$	$10^{-4} P_2$	$10^{-4} P_3$	ΔT
	<i>M</i>			M^2		<i>H</i>		<i>град</i>
1	2.15	2.16	1.40	21	1.0	1.5	1.6	30
2	2.25	2.26	1.50	22	2.0	2.5	2.6	31
3	2.35	2.36	1.60	23	3.0	3.5	3.6	32
4	2.45	2.46	1.70	24	4.0	4.5	4.6	33
5	2.55	2.56	1.80	25	5.0	5.5	5.6	34
6	2.65	2.66	1.90	26	6.0	6.5	6.6	35
7	2.75	2.76	1.20	27	7.0	7.5	7.6	36
8	2.85	2.86	1.30	28	8.0	8.5	8.6	37
9	2.95	2.96	1.40	29	9.0	9.5	9.6	38
10	2.15	2.10	1.55	21	1.0	1.5	1.6	39
11	2.25	2.20	1.65	22	2.0	2.5	2.6	40
12	2.35	2.30	1.75	23	3.0	3.5	3.6	41
13	2.45	2.46	1.85	24	4.0	4.5	4.6	42
14	2.55	2.56	1.95	25	5.0	5.5	5.6	43
15	2.65	2.66	1.25	26	6.0	6.5	6.6	44
16	2.75	0.76	1.35	27	7.0	7.5	7.6	45
17	2.85	0.86	1.45	28	8.0	8.5	8.6	46
18	1.15	0.10	2.50	39	9.0	9.5	9.6	47
19	1.25	0.20	2.60	38	8.0	8.5	8.6	48
20	1.35	0.30	2.70	37	7.0	7.5	7.6	49
21	1.45	0.40	2.80	36	6.0	6.5	6.6	50
22	1.55	0.50	2.90	35	5.0	5.5	5.6	51
23	1.65	0.60	1.60	34	4.0	4.5	4.6	52
24	1.75	0.70	1.70	33	3.0	3.5	3.6	30
25	0.85	0.80	1.80	32	2.0	2.5	2.6	31
26	0.25	0.35	1.15	42	2.0	2.5	2.6	32
27	0.35	0.45	1.25	43	3.0	3.5	3.6	33
28	0.45	0.55	1.35	44	4.0	4.5	4.6	34
29	0.55	0.65	1.45	45	5.0	5.5	5.6	35
30	0.65	0.75	1.55	46	6.0	6.5	6.6	36

$\alpha = 125 \cdot 10^{-3}$ - стержень материалнинг иссиқликдан чизиқли кенгайиш коэффициенти.

5) Номалум реактив кучнинг қийматини аниқлаймиз. Бунинг учун юқоридаги ифодаларга сон қийматларини қўйиб ҳисоблаймиз:

$$\Delta l_p = \frac{P l_1}{EF} = \frac{1 \cdot 10^4 \cdot 4 \cdot 10^3}{2 \cdot 10^3 \cdot 11 \cdot 10^2} = 0.18 \cdot 10^{-4} \text{ м},$$

$$\Delta l = (l_1 + l_2) \alpha = (1400 + 4000) \cdot 50 \cdot 125 \cdot 10^{-7} = 11.25 \cdot 10^{-4} \text{ м}$$

$$\Delta l_2 = \frac{R l_2}{EF} + \frac{R l_1}{1.5 EF}, \quad \Delta l_p + \Delta l_1 = \Delta l_{n_2},$$

$$R_1 = \frac{11.43}{\frac{1}{1.5 EF} + \frac{1}{EF}} = \frac{11.43}{\frac{14 \cdot 10^3}{2 \cdot 10^5 \cdot 1650} + \frac{4 \cdot 10^3}{2 \cdot 10^5 \cdot 11}} = 189 \text{ кН}$$

6) Ички кучлар ва нормал кучланишларни аниқлаймиз

$$\sum X_1 = -N_1 + R_1 = 0, \quad N_1 = R_1 = 189 \text{ кН} \quad (\text{сиқувчи}),$$

$$\sum X_2 = -N_2 - P + R_1 = 0, \quad N_2 = R_1 - P = 8.9 \text{ кН} \quad (\text{сиқувчи}),$$

$$\sigma_1 = \frac{N_1}{F_1} = \frac{18900}{1600} = 11.8 \cdot 10^5 \frac{\text{Н}}{\text{м}^2}, \quad \sigma_2 = \frac{N_2}{F_2} = \frac{8900}{1100} = 8.09 \cdot 10^5 \frac{\text{Н}}{\text{м}^2}.$$

7) Мустаҳкамликни текширамиз ва кундаланг кесим юзининг рухсат этилган қийматини танлаймиз:



$$\sigma = \frac{N_1}{F} \leq [\sigma], \quad [F] \geq \frac{N_1}{[\sigma]} = \frac{18900}{130} = 145 \cdot 10^{-5} \text{ м}^2.$$

1.5-масала. Шаклдаги абсолют қаттиқ ғуланинг бир нуқтаси қўзғалмас шарнирли таянчга маҳкамланган. Ташқи Q кучни қўйишдан олдин ғула икки нуқталарига шарнирли боғланган пўлат стерженлар ёрдамида горизонтал ҳолатда ушлаб турилади. Стерженлардаги зўриқиш кучлари, нормал кучланишлар ва ғуланинг Q куч қўйилган кесимининг кўчиши аниқлансин ($E = 2 \cdot 10^{11} \frac{\text{Н}}{\text{м}^2}$).


$[\sigma] = 1.6 \cdot 10^8 \frac{\text{Н}}{\text{м}^2}$. Мустаҳкамлик шартидан фойдаланиб стерженлар

поғоналарининг кундаланг кесимлари юзларининг рухсат этилган қийматларини аниқланг. Керакли маълумотларни 1.5-жадвалдан олинг.


1.5-1.6 - масалаларнинг шакллари




БИБЛИОТЕКА
Бух. ТИП и ЛП
№ 2770



III




IV



V



VI




VII



VIII




IX




X





XI





XII





XIV





XVI



XVIII




XX




XXII






XXIII




XXIV




XXV




XXVI




XXVII



XXVIII



XXIX



XXX

1.5-масалани бажариш намуналари.


А. Берилган: 1.10-шакл, $Q = 10^4 \text{ Н}$, $F = 5 \cdot 10^4 \text{ Н}$, $a = 1 \text{ м}$, $b = 2 \text{ м}$,

$$c = 3 \text{ м}, E = 2 \cdot 10^{11} \frac{\text{Н}}{\text{м}^2}, [\sigma] = 1.6 \cdot 10^8 \frac{\text{Н}}{\text{м}^2}.$$


№	<i>a</i>	<i>b</i>	<i>c</i>	<i>F</i>	ΔT	<i>Q</i>	<i>P</i>	$10^3 \beta$
	<i>метр</i>			10^{-4} м	<i>град</i>	<i>кН</i>	<i>кН</i>	
1	0.10	0.15	0.16	11	30	1.6	100	5
2	0.20	0.25	0.26	12	31	2.6	110	4
3	0.30	0.35	0.36	13	32	3.6	120	3
4	0.40	0.45	0.46	14	33	4.6	130	2
5	0.50	0.55	0.56	15	34	5.6	140	1
6	0.60	0.65	0.66	16	35	6.6	150	5
7	0.70	0.75	0.76	17	36	7.6	160	4
8	0.80	0.85	0.86	18	37	8.6	170	3
9	0.90	0.95	0.96	19	38	9.6	180	2
10	0.25	0.15	0.10	11	39	1.6	190	1
11	0.35	0.25	0.20	12	40	2.6	200	5
12	0.45	0.35	0.30	13	41	3.6	210	4
13	0.55	0.45	0.46	14	42	4.6	220	3
14	0.65	0.55	0.56	15	43	5.6	230	2
15	0.75	0.65	0.66	16	44	6.6	240	1
16	0.85	0.75	0.76	17	45	7.6	250	5
17	0.95	0.85	0.86	18	46	8.6	100	4
18	0.10	0.15	0.10	19	47	9.6	110	3
19	0.20	0.25	0.20	18	48	8.6	120	2
20	0.30	0.35	0.30	17	49	7.6	130	1
21	0.40	0.45	0.40	16	50	6.6	140	5
22	0.50	0.55	0.50	15	51	5.6	150	4
23	0.60	0.65	0.60	14	52	4.6	160	3
24	0.70	0.75	0.70	13	53	3.6	170	2
25	0.80	0.85	0.80	12	54	2.6	180	1
26	0.15	0.25	0.35	12	55	2.6	190	5
27	0.25	0.35	0.45	13	56	3.6	200	4
28	0.35	0.45	0.55	14	57	4.6	210	3
29	0.45	0.55	0.65	15	58	5.6	220	2
30	0.55	0.65	0.75	16	59	6.6	230	1

Ечиш. АВ ғулага Q куч қўйилганда у A нуқта атрофида бошланғич ҳолатига нисбатан бир оз бурилиб қолади (1.11-шакл). Натижада ғуланинг B учи B' ҳолатга ўтади.


1) Номаялум зуриқиш кучлари N_1 , N_2 ларни ҳисоб схемасига қўямиз (1.11-1.12-шакллар).



1.10-шакл



1.11-шакл



1.12-шакл

2) Статиканинг мувозанат тенгламасини тузамиз

$$\sum M_A = 0, \quad N_1 a - Qb + N_2(a+c) = 0. \quad (1)$$

Бу тенгламада иккита номаълум кучлар N_1 , N_2 қатнашади. Ундан ташқари A нуқтадаги R_A таянч реакция кучи ҳам номаълум. Шундай қилиб номаълум кучларнинг сони 3 та.


Актив ва реактив кучларнинг ҳаммаси бир текисликда жойлашган ва бир нуқтада кесишмайдиган бўлгани учун масала бир марта статик аниқмас бўлади.

3) Қўшимча деформация тенгламасини тузамиз (1.13-шакл):

$\Delta ACC' \propto \Delta ABB'$ шартдан фойдаланиб қуйидаги пропорцияни оламиз

$$\frac{CC'}{AC} = \frac{BB'}{AB}, \quad (2)$$

бу ерда $CC' = \Delta_1$, $BB' = \Delta_2$, $AC = a$, $AB = a+c$ га тенг.



1.13-шакл

Демак (2) тенглик қуйидаги кўринишга келади

$$\frac{\Delta l_1}{a} = \frac{\Delta l_2}{a+c} \quad (2')$$

Бу тенглик деформация тенгласи дейилади.

4) Ҳосил қилинган деформация тенгласини Гук қонуни $\Delta l = \frac{Nl}{EF}$ ёр-

дамида номатълум зуриқиш кучлари орқали ифодалаймиз

$$\frac{N_1 l_1}{E F_1} = \frac{N_2 l_2}{E F_2},$$

бу ерда $l_1 = b$, $l_2 = c$, $F_1 = F$, $F_2 = 2F$, $E_1 = E_2 = E$ эканлигини ҳисобга олиб, қуйидаги тенгламага эга бўламиз:

$$\frac{N_1 b}{a} = \frac{N_2 c}{2(a+c)}$$

Берилган қийматларни ўрнига қўйиб, қуйидагини ҳосил қиламиз:

$$2N_1 = \frac{3N_2}{8}, \text{ ёки } N_1 = \frac{3N_2}{16} = 0.18N_2. \quad (3)$$

5) Ҳосил бўлган (1) ва (3) тенгламалар ёпиқ системани ташкил этади

$$\begin{cases} aN_1 - bQ + N_2(a+c) = 0, \\ N_1 = 0.18N_2. \end{cases} \quad (4)$$

$$(4')$$

Бу тенгламалар системасини ечиб $N_1 = 4.8 \cdot 10^4 \text{ Н}$, $N_2 = 0.9 \cdot 10^4 \text{ Н}$ эканлигини аниқлаймиз.

6) Стерженлардаги кучланишларни аниқлаймиз:

$$\sigma_1 = \frac{N_1}{F_1} = \frac{900}{5} = 18 \cdot 10^4 \frac{\text{Н}}{\text{м}^2}, \quad \sigma_2 = \frac{N_2}{F_2} = \frac{4800}{10} = 48 \cdot 10^4 \frac{\text{Н}}{\text{м}^2}.$$

7) Стерженларнинг абсолют узайишларини ҳисоблаймиз

$$\Delta l_1 = \frac{N_1 l_1}{E F_1} = \frac{N_1 b}{E F} = \frac{4.8 \cdot 10^4 \cdot 3}{2 \cdot 10^{11} \cdot 5 \cdot 10^{-4}} = \frac{0.6}{625} \text{ м},$$

$$\Delta l_2 = \frac{N_2 l_2}{E F_2} = \frac{N_2 c}{2 E F} = \frac{0.9 \cdot 10^4 \cdot 3}{2 \cdot 2 \cdot 10^{11} \cdot 5 \cdot 10^{-4}} = \frac{2.7}{2 \cdot 10^4} \text{ м}.$$

8) Ташқи Q куч қўйилган кесимнинг кўчиши ACC' ва ADD' учбурчакларнинг ўхшашлигидан фойдаланиб топилади. Юқоридаги 1.12-шаклдан

$$\frac{DD'}{AD} = \frac{CC'}{AC},$$

бу ерда $AD = b$, $AC = a$, $CC' = \Delta l_1$.

Демак

$$DD' = \frac{AD \cdot CC'}{AC} = \frac{b \cdot \Delta l}{a} = \frac{2 \cdot 0.6}{\frac{625}{1}} = \frac{1.2}{625} = 192 \cdot 10^{-4} \text{ м.}$$

9) Стерженлар кундаланг кесимлари юзаларининг рухсат этилган қийматлари

$$F \geq \frac{N_1}{[\sigma]}, \quad F \geq \frac{N_2}{[\sigma]}$$

шартлардан топилади.

В. Берилган: 1.14-шакл, $Q = 12 \cdot 10^4 \text{ Н}$, $F = 6 \cdot 10^4 \text{ Н}$, $a = 2.0 \text{ м}$,
 $b = 3.0 \text{ м}$, $c = 1.0 \text{ м}$.

1) AB ва CD стерженлардаги зўриқиш кучларини мос равишда N_1 ва N_2 билан белгилаб, схемада уларнинг йуналишларини кўрсатамиз (1.15-шакл).


2) Статиканинг мувозанат тенгламасини ёзамиз

$$\sum M_o(P) = -N_1(b+c) - N_2 b \sin 45^\circ + aQ = 0. \quad (1)$$


Бу тенгламада иккита номаълум кучлар N_1 , N_2 мавжуд, Масала статик аниқмас.

3) Қўшимча деформация тенгламасини 1.16-шаклдаги AOA' ва COC' учбурчакларнинг ўхшашлигидан фойдаланиб тузамиз:

$$\frac{\Delta l'}{CC'} = \frac{AO}{CO} \quad \text{ёки} \quad \frac{\Delta l'}{CC'} = \frac{b+c}{b}. \quad (2)$$



1.14-шакл



1.15-шакл

4) Гук қонуни ёрдамида деформация тенгламаси (2) ни номаълум зўриқиш кучлари орқали ифодалаймиз:

$$\Delta l_{AK} = \Delta l_1 = \frac{N_1 a}{EF},$$

$$CC_1 = \frac{CK}{\sin 45^\circ} = \frac{\Delta l_{CD}}{\sin 45^\circ} = \frac{N_2 \sqrt{2b^2}}{2EF \sqrt{2}} = \frac{N_2 \sqrt{2}b}{\sqrt{2} FE} = \frac{N_2 b}{EF}.$$


Топилган AA' ва CC' ифодаларидан фойдаланиб (2) тенгламани қуйидагича ёзамиз

$$\frac{N_1 a}{EF} + \frac{N_2 b}{EF} = \frac{b+c}{b} = 1 \frac{1}{3},$$

бундан

$$\frac{N_1 a}{N_2 b} = \frac{4}{3} \quad \text{ёки} \quad \frac{N_1}{N_2} = 2 \quad (3)$$

тенгликка эга бўламиз.



5) Ҳосил бўлган (1) ва (3) тенгламалар ёпиқ системани ташкил этади

$$N_1 = 2N_2, \quad -N_1(b+c) - N_2 b \sin 45^\circ + aQ = 0.$$

Ҳосил бўлган тенгламаларни биргаликда ечиб номаълум зуриқиш кучларини аниқлаймиз:

$$-2N_2(b+c) - N_2 b \sin 45^\circ + aQ = 0$$

бундан

$$N_2 = 2.4 \cdot 10^4 \text{ H}.$$

Юқоридаги (3) тенгламадан эса $N_1 = 4.8 \cdot 10^4 \text{ H}$ эканлигини топамиз.

6) Стерженлардаги кучланишларни қуйидаги формулалардан топамиз

$$\sigma_1 = \frac{N_1}{F_1} = \frac{4.8 \cdot 10^4}{6 \cdot 10^{-4}} = 8 \cdot 10^7 \frac{\text{H}}{\text{м}^2}, \quad \sigma_2 = \frac{N_2}{F_2} = \frac{2.4 \cdot 10^4}{2 \cdot 6 \cdot 10^{-4}} = 2 \cdot 10^7 \frac{\text{H}}{\text{м}^2}.$$

7) Ташқи Q куч қўйилган кесимнинг кўчиши $оАА'$, $оВВ'$ учбурчакларнинг (1.16-шакл) ўхшашлигидан фойдаланиб топилади.

8) Стерженлар қўндаланг кесимлари юзаларининг рухсат этилган қийматлари

$$F_1 \geq \frac{N_1}{[\sigma]}, \quad F_2 \geq \frac{N_2}{[\sigma]}$$

шартлардан аниқланади


1.6-масала. Деформацияланмайдиган ғұла қўзғалмас шарнирли таянч ва кўндаланг кесимларининг юзалари F ва $2F$ га тенг пўлат стерженлар ёрдамида горизонтал ҳолатда ўрнатилган (1.5-масаланинг шакллариға қаранг). Бошланғич ҳолатда стерженлардағи зўриқишлар нолға тенг. Ғўлаға Q куч қўйилса ва кўндаланг кесимининг юзи $2F$ га тенг бўлган стерженнинг ҳарорати ΔT га оширилса стерженларда қанча зўриқиш пайдо бўлишини аниқланг. Керакли маълумотларни 1.5-жадвалдан олинг.

1.6-масалани ечишға оид кўрсатмалар.


Берилган: 1-17-шакл, $ВН$ стерженнинг ҳарорати $\Delta T = 10^\circ \text{C}$ га оширилган, $d_{ВН} = 0.05 \text{ м}$, $d_{DC} = 0.04 \text{ м}$, $l = 12 \text{ м}$.

Ечиш.

1) Масаланинг ҳисоб схемаси ва ғўланинг кўчиш диаграммаси 1.18-1.19-шаклларда келтирилган.



1.17-шакл




1.18-шакл

2) Статиканинг мувозанат тенгламасини тузамиз

$$N_{ВН}a - N_{CD}2a = 0 \quad \text{ёки} \quad N_{ВН} = 2N_{CD}. \quad (a)$$

Актив ва реактив кучларнинг ҳаммаси бир текисликда жойлашган ва ўзаро параллел йўналган. Шунинг учун статиканинг чизиқли бўлмаган мувозанат тенгламаларининг сони 2 га тенг. Номаялум реактив кучларнинг сони эса 3 га тенг. Демак масала бир марта статик аниқмас.

Қўшимча - кўчиш тенгламасини тузамиз. Кўчиш диаграммасидан (1.19-шакл)



1.19-шакл

$$CC' = 2BB' \quad (б)$$

Гук қонунига кўра:

- C шарнирнинг кўчиши

$$\delta_C = CC' = \Delta l_{CD} = \frac{N_{CD}l}{EF_{CD}};$$

- B шарнирнинг кўчиши $ВВ$

стерженнинг ҳароратини ўзгариши

ва ички зўриқишдан эластик узайишларнинг айирмасига тенг

$$\Delta l_{\text{св}} = \Delta l_{\text{св}} - \Delta l_{\text{св}(T)} - \Delta l_{\text{св}(N)} = \alpha \Delta T - \frac{N_{\text{св}} \Delta l}{EF_{\text{св}}}$$

Бу ифодаларни (б) тенгламага қўямиз

$$\frac{N_{\text{св}} \Delta l}{EF_{\text{св}}} = 2(\alpha \Delta T) - \frac{N_{\text{св}} \Delta l}{EF_{\text{св}}}$$

ёки

$$\frac{N_{\text{св}}}{F_{\text{св}}} + \frac{4N_{\text{св}}}{F_{\text{св}}} = 4\alpha \Delta T.$$

Ҳосил бўлган (а) ва (б) тенгламаларга сон қийматларини қўйиб,

$$N_{\text{св}} = 41 \text{ кН}, \quad N_{\text{св}} = 20.5 \text{ кН}$$

эканлигини аниқлаймиз.

Стерженларнинг кундаланг кесимларидаги нормал кучланишларни ҳисоблаймиз

$$\sigma_{\text{св}} = \frac{N_{\text{св}}}{F_{\text{св}}} = \frac{41 \cdot 10^3}{3.14 \cdot 50^2} = 20.9 \frac{\text{Н}}{\text{мм}^2}, \quad \sigma_{\text{св}} = \frac{N_{\text{св}}}{F_{\text{св}}} = \frac{20.5 \cdot 10^3}{3.14 \cdot 40^2} = 16.3 \frac{\text{Н}}{\text{мм}^2}.$$

1.7-масала. Шаклдаги тўлани абсолют қаттиқ дсб олиб:

- стерженлардаги реактив кучларни q ва a ёки M ва a орқали ифодаланг;










- 1.6-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиб стерженларнинг кундаланг кесимларидаги бўйлама куч ва нормал кучланишларни ҳисобланг;

- мустақкамлик шартидан фойдаланиб нормал кучланишнинг қўзилишга рухсат этилган қиймати $[\sigma_{\perp}] = 160 \frac{\text{Н}}{\text{мм}^2}$, сиқилишга эса -

$[\sigma_{\parallel}] = 100 \frac{\text{Н}}{\text{мм}^2}$ ҳол учун стерженлар диаметрларининг рухсат этилган қийматларини аниқланг. Керакли маълумотларни 1.6-жадвалдан олинг.

Эслатма. Шакллардаги q - ёйилма куч интенсивлиги дейилади ва $\frac{H}{\text{м}}$ да ўлчанади. Ёйилган кучнинг миқдори $Q = q l$ тенг бўлади, бунда l ёйилган куч қўйилган участканинг узунлиги, Q куч q интенсивлик билан бир хил йўналган ва l участканинг ўртасига қўйилган бўлади.

1.7-масаланинг шакллари



Ша- кл	Ва- риант	q_1 кН/м	F , кН	M , кН·м	a	b_1	b_2	k_1	k_2	k_3
					м					
I	I		80		1.2	1.3	1.4	1.1	1.3	1.4
	II		90		1.3	1.5	1.6	1.2	1.4	1.5
	III		100		1.4	1.6	1.7	1.3	1.5	1.6
	IV		110		1.5	1.7	1.8	1.4	1.6	1.7
II	I	30			1.4	0.8	1.8	1.1	1.5	0.5
	II	40			1.6	0.9	1.9	1.2	1.6	0.6
	III	50			1.8	1.0	2.0	1.3	1.7	0.7
	IV	60			2.0	1.1	2.1	1.4	1.8	0.8
III	I		55		1.3	1.2	1.6	1.4	1.5	1.1
	II		60		1.4	1.3	1.7	1.3	1.6	1.2
	III		65		1.5	1.4	1.8	1.2	1.7	1.3
	IV		70		1.6	1.5	1.9	1.1	1.8	1.4
IV	I	60			1.5	1.1	1.3	1.1	2.5	
	II	55			1.6	1.2	1.4	1.2	2.6	
	III	50			1.7	1.3	1.5	1.3	2.7	
	IV	45			1.8	1.4	1.6	1.4	2.8	
V	I		75		1.5	0.9	1.4	1.1	1.2	1.4
	II		80		1.4	1.1	1.6	1.2	1.3	1.5
	III		90		1.3	1.3	1.8	1.3	1.4	1.6
	IV		95		1.2	1.5	2.0	1.4	1.5	1.7
VI	I	20			1.1	1.3	1.6	1.1	2.5	
	II	25			1.2	1.2	1.5	1.2	2.8	
	III	30			1.3	1.1	1.4	1.3	3.2	
	IV	35			1.4	1.0	1.3	1.4	3.4	
VII	I		85		1.6	1.4	1.5	1.4	0.8	1.3
	II		90		1.7	1.5	1.6	1.3	0.9	1.4
	III		95		1.8	1.6	1.7	1.2	1.0	1.5
	IV		100		1.9	1.7	1.8	1.1	1.1	1.6
VIII	I			40	1.2	1.6	1.3	1.1	2.2	
	II			45	1.3	1.7	1.4	1.2	2.4	
	III			50	1.4	1.8	1.5	1.3	2.6	
	IV			55	1.5	1.9	1.6	1.4	2.8	
IX	I		20		1.1	1.1	1.3	1.1	1.4	2.0
	II		25		1.2	1.1	1.4	1.2	1.6	2.1
	III		30		1.3	1.2	1.5	1.3	1.8	2.2
	IV		35		1.4	1.3	1.6	1.4	2.0	2.3
X	I			50	1.2	1.3	1.1	1.1	2.5	
	II			55	1.3	1.4	1.2	1.2	2.6	
	III			60	1.4	1.5	1.3	1.3	2.7	
	IV			65	1.5	1.6	1.3	1.4	2.8	

1.8'-масала. Пулат стерженга P_1, P_2, P_3 ташқи кучлар ва ўзининг хусусий огирлиги таъсир этади. Бўйлама куч, нормал кучланиш ва кўндаланг кесимларнинг кучишлари эпюраларини қуринг. Маълумотларни 1.1-масаланинг шакллари ва 1.1-жадвалдан олинг ($E = 2 \cdot 10^4$ МПа, $\gamma = 78 \frac{\text{кН}}{\text{м}^3}$).

1.9'-масала. Абсолют қаттиқ гуланинг бир нуқтаси қўзғалмас шарнирли таянчга маҳкамланган ва икки нуқталарига шарнирли боғланган пулат стерженларга осиб қўйилган. Қуйдагиларни бажаринг: 1) стерженлардаги ички куч ва кучланишларни аниқланг ва уларни Q орқали ифодаланг; 2) стерженлардаги кучланишлардан каттасини $[\sigma] = 160$ МПа га тенглаштириб Q кучининг рухсат этилган қийматини аниқланг; 3) материалнинг оқувчанлик чегараси $\sigma_{ок} = 240$ МПа ва қўшимча мустаҳкамлик $k = 1.5$ бўлса, шаклдаги қурилма кўтариши мумкин бўлган энг катта кучни ва Q кучининг рухсат этилган қиймати $Q_{рул}$ ларни ҳисобланг; 4) Q кучни кучланишнинг рухсат этилган қиймати (иккинчи банд) ва кучининг рухсат этилган қиймати (учинчи банд) бўйича олинган миқдорларини солиштинг. Маълумотларни 1.5-масаланинг шакллари ва 1.1-жадвалдан олинг.

Эслатма. Стерженлар кўндаланг кесимларида ҳосил бўладиган иккита номаълум кучларни аниқлаш учун статиканинг мувозанат тенгламасини ва кучиш тенгламасини биргаликда ечинг (1.5-масалага қаранг).

Учинчи саволга жавоб топиш учун нормал кучланиш стерженларнинг бирида иккинчисидан кўп. Ташқи куч ортганда битта стержендаги нормал кучланиш оқувчанлик чегарасига олдинроқ етиб боради. Бу ҳолда ўша стержендаги нормал кучланиш маълум пайтгача ортиб боришдан тўхтади, Бу пайтда системага ташқи Q куч ва иккинчи стерженни зўриқиш кучи $N_1 = \sigma_{\text{н}} F_1$ таъсир этади қаралади.

Ташқи куч янада оширилганда иккинчи стержендаги кучланиш ҳам оқувчанлик чегарасига етиб боради ва ундаги зўриқиш $N_2 = \sigma_{\text{н}} F_2$ тенгликни қаноатлантиради. Статиканинг мувозанат тенгламаларига N_1 ва N_2 кучларнинг бу ифодаларини қўйиб стерженлар кўтариши мумкин бўлган энг катта куч $Q_{\text{н}}'$ нинг қийматини аниқлаймиз.

1.10'-масала. Кундаланг кесимларининг юзи F га тенг булган иккита пулат стерженларнинг устига деформацияланмайдиган тусин куйилган. Тусин уртасига учи горизонтал текислик билан $\Delta = \beta c$ кичик буш масофа ташкил қиладиган поғонали стержен маҳкамланган (шаклга қаранг). Куйидагиларни бажаринг: 1) P ташқи кучнинг қандай қийматида стерженнинг куйи чегараси текисликка тегиб қолишини аниқланг; 2) P жадвалда берилган қийматида ўртадаги стержен кундаланг кесимларида ҳосил буладиган реакция кучини аниқланг ва энюрасини қуринг; 3) P жадвалда берилган қийматида тусинни ушлаб турувчи стерженлардаги зўриқишларни қанча бўлишини аниқланг; 4) поғонали стерженни кундаланг кесимларида реакция кучлари нолга тенг бўлиши учун унинг ҳароратини қанчага камайтириш зарурлигини ҳисобланг. Керакли маълумотларни 1.5-жадвалдан олинг.

Эслатма. Стерженларнинг хусусий оғирликлари инобатга олинмайди.

Ҳамма топшириқларни бажариш пайтида система симметрик булгани учун четки стерженлардаги зўриқишлар ҳар доим тенг бўлишини инобатга олинади.

Биринчи саволга жавоб топиш учун ўртадаги стерженни P куч таъсирида кучишини унинг куйи кесими билан горизонтал текислик орасидаги Δ масофага тенглаштиринг. Бу кучиш ўртадаги стерженни кундаланг кесимларида ҳосил буладиган ички кучлар таъсиридаги деформацияси ва четдаги стерженлардан бирининг деформациясининг йиғиндисига тенг (айрим ҳолларда четдаги стерженларнинг деформацияси нолга тенг бўлиши ҳам мумкин, бу P кучнинг миқдорида боғлиқ).


Иккинчи саволга жавоб топиш учун ўртадаги стерженни куйи чегарасини ташқи P ва таянч реакция кучи R таъсирида кучишларининг алгебраик йиғиндисини нолга тенглаштирилади.

Учинчи саволга жавоб топиш учун четлардаги таяниб турган ва ўртадаги осилиб турган стерженлардаги реактив кучлар ҳамда ташқи P кучнинг таъсирлари тусинга узатилишини инобатга олиш зарур.


Тўртинчи саволга жавоб топиш учун ўртадаги стерженни куйи чегарасининг P куч таъсирида ва четки стерженлар деформацияланиши натижасида кучишини Δ масофа билан ҳароратнинг кама-йиши натижасида ўртадаги стерженни куйи чегараси кучиши йиғиндисига тенглаштириш зарур, яъни

$$\Delta(P) = \Delta + \Delta_c = \beta c + c \alpha.$$


1.10-масаланинг шакллари




I




II




III




IV





V





VI




VIII



X




XII



2. Кучланганлик ҳолати назариялари

2.1-масала. 2.1-шаклдаги кучланганлик ҳолати учун нормал ва уринма кучланишларнинг экстремал қийматларини ҳисобланг ва бош юзalar йўналишларини аниқланг. Маълумотларни 2.1-жадвалдан олинг.



2.1-шакл

Эслатма.

2.1-жадвалдаги кучланишларнинг ишоралари берилган шаклга қараб белгиланади.

2.1-масалани ечиш намунаси.


Берилган. 2.1-шакл, $\sigma_x = -525 \cdot 10^5 \frac{H}{м^2}$,

$$\sigma_y = 225 \cdot 10^5 \frac{H}{м^2}, \quad \tau_{xy} = -\tau_{yx} = 650 \cdot 10^5 \frac{H}{м^2}.$$


Ечиш.

1) Бош нормал кучланишларни ҳисоблаймиз

$$\begin{aligned} \sigma_{max} = \sigma_1 &= \frac{\sigma_x + \sigma_y}{2} + \frac{1}{2} \sqrt{(\sigma_x - \sigma_y)^2 + 4\tau_{xy}^2} = \frac{-525 + 225}{2} \cdot 10^5 + \\ &+ \frac{1}{2} \sqrt{(525 - 225)^2 + 4 \cdot 650^2} \cdot 10^5 = 6 \cdot 10^7 \frac{H}{м^2}, \\ \sigma_{min} = \sigma_2 &= \frac{\sigma_x + \sigma_y}{2} - \frac{1}{2} \sqrt{(\sigma_x - \sigma_y)^2 + 4\tau_{xy}^2} = \frac{-525 + 225}{2} \cdot 10^5 - \\ &- \frac{1}{2} \sqrt{(525 - 225)^2 + 4 \cdot 650^2} \cdot 10^5 = -7.5 \cdot 10^7 \frac{H}{м^2}. \end{aligned}$$



2.2-шакл



2.3-шакл

2) Бош уринма кучланишларни аниқлаймиз

$$\begin{aligned} \tau_{max} &= \frac{1}{2} \sqrt{(\sigma_x - \sigma_y)^2 + 4\tau_{xy}^2} = \frac{1}{2} \sqrt{(-525 - 225)^2 + 4 \cdot 650^2} \cdot 10^5 = 7.5 \cdot 10^7 \frac{H}{м^2}, \\ \tau_{min} &= -\frac{1}{2} \sqrt{(\sigma_x - \sigma_y)^2 + 4\tau_{xy}^2} = -\frac{1}{2} \sqrt{(-525 - 225)^2 + 4 \cdot 650^2} \cdot 10^5 = -7.5 \cdot 10^7 \frac{H}{м^2}. \end{aligned}$$

3) α_n бурчакни ҳисоблаймиз

№	2.1 – масала			2.2 – масала			2.3 – масала		
	α	α	τ	σ	σ	τ	σ	σ	τ
	$10^7 \frac{H}{M^2}$			$10^7 \frac{H}{M^2}$			$10^7 \frac{H}{M^2}$		
1	1.1	0.1	0.6	2.1	1.1	1.6	1.6	1.1	1.2
2	1.2	0.2	0.7	2.2	1.2	1.7	1.7	1.2	1.3
3	1.3	0.3	0.8	2.3	1.3	1.8	1.8	1.3	1.4
4	1.4	0.4	0.9	2.4	1.4	1.9	1.9	1.4	1.5
5	1.5	0.5	1.0	2.5	1.5	2.0	2.0	1.5	1.6
6	1.6	0.6	1.1	2.6	1.6	2.1	2.1	1.6	1.7
7	1.7	0.7	1.2	2.7	1.7	2.2	2.2	1.7	1.8
8	1.8	0.8	1.3	2.8	1.8	2.3	2.3	1.8	1.9
9	1.9	0.9	1.4	2.9	1.9	2.4	2.4	1.9	2.0
10	2.0	1.0	1.5	3.0	2.0	2.5	2.5	2.0	2.1
11	2.1	1.1	1.6	3.1	2.1	2.6	2.6	2.1	2.2
12	2.2	1.2	1.7	3.2	2.2	2.6	2.6	2.2	2.3
13	2.3	1.3	1.8	3.3	2.3	2.8	2.8	2.3	2.4
14	2.4	1.4	1.9	3.4	2.4	2.9	2.9	2.4	2.5
15	2.5	1.5	2.0	3.4	2.5	3.0	3.0	2.5	2.6
16	2.6	1.6	2.1	3.6	2.6	3.1	3.1	2.6	2.7
17	2.6	1.7	2.2	3.7	2.6	3.2	3.2	2.6	2.8
18	2.8	1.8	2.3	3.8	2.8	3.3	3.3	2.8	2.9
19	2.9	1.9	2.4	3.9	2.9	3.4	3.4	2.9	3.0
20	3.0	2.0	2.5	4.0	3.0	3.5	3.5	3.0	3.1
21	3.1	2.1	2.6	4.1	3.1	3.6	3.6	3.1	3.2
22	3.2	2.2	2.7	4.2	3.2	3.7	3.7	3.2	3.3
23	3.3	2.3	2.8	4.3	3.3	3.8	3.8	3.3	3.4
24	3.4	2.4	2.9	4.4	3.4	3.9	3.9	3.4	3.5
25	3.5	2.5	3.0	4.5	3.5	4.0	4.0	3.5	3.6
26	3.6	2.6	3.1	4.6	3.6	4.1	4.1	3.6	3.7
27	3.7	2.7	3.2	4.7	3.7	4.2	4.2	3.7	3.8
28	3.8	2.8	3.3	4.8	3.8	4.3	4.3	3.8	3.9
29	3.9	2.9	3.4	4.9	3.9	4.4	4.4	3.9	4.0
30	4.0	3.0	3.5	5.0	4.0	4.5	4.5	4.0	4.1


$$\operatorname{tg} \alpha_u = \frac{2\tau_x}{\sigma_x - \sigma_y} = \frac{2 \cdot 650}{-525 - 225} = -1.75 = -\operatorname{tg} 60^\circ$$

Демак $2\alpha_0 = -60^\circ$, $\alpha_0 = -30^\circ$.

4) Бош юзаларнинг йўналишларини қуйидагича аниқлаймиз. Шаклдаги τ , уринма кучланиш параллелепипедни унинг марказига нисбатан соат стрелкаси йўналишига тескари йўналишда айлантиришга ҳаракат қилади. Шунинг эътиборга олиб горизонтал

уқни соат стрелкаси йўналишига тескари йўналишда 30° га бурамыз. Энг катта нормал кучланиш σ_1 бош юзага тик йўналган, энг кичкина нормал кучланиш σ_3 , эса σ_2 нормал кучланишга тик йўналган бўлади (2.3-шакл)

2.2-масала. Кучланиш ҳолати 2.4-шаклда кўрсатилган ҳол учун σ_n нормал кучланишнинг йўналиши билан $\alpha = 30^\circ$ бурчак ҳосил қилган mn қия юзадаги нормал, уринма ва бош кучланишларни ҳисобланг, бош юзаларнинг йўналишларини аниқланг. Керакли маълумотларни 2.1-жадвалдан олинг.



2.4-шакл


2.2-масалани ечиш намунаси.

Берилган: 2.5-шакл, $\sigma_x = 5 \cdot 10^7 \frac{H}{м^2}$,


$$\sigma_y = -2.5 \cdot 10^7 \frac{H}{м^2}, \quad \tau_{xy} = -\tau_{yx} = -1.25 \frac{H}{м^2}.$$

Ечиш.

1) Ажратилган параллелепипед чексиз кичик бўлгани учун mn юзага параллел бўлган ҳар қандай юзалардаги кучланишлар аввалги юзалардаги кучланишларга тенг бўлади. Бинобарин, m_1n_1 кесим ёрдамида учбурчакли призма ажратамиз, унинг томонларига 2.6-шаклда кўрсатилганидек кучланишлар таъсир қилади.



2.5-шакл




2.6-шакл

2.6-шаклда кўрсатилган элементар призманинг мувозанат тенгламасини ёзамиз. Бунинг учун элементар юзага қўйилган ҳамма кучларнинг нормал σ_n кучланиш билан уринма τ_n кучланиш йўналишида олинган проекцияларнинг йиғиндисини нолга тенглаштирамиз. Призманинг гипотенузасига тўғри келган, яъни ab юзасини F билан белгилаб, қуйидаги тенгламаларни келтириб чиқарамиз (2.7-шакл)


$$\sigma_x F - \sigma_x F \cos^2 \alpha - \sigma_y F \sin^2 \alpha + \tau_{xy} F \sin \alpha \cos \alpha - \tau_{xy} F \sin \alpha \cos \alpha = 0,$$

$$\tau_{xy} F - \sigma_x F \sin \alpha \cos \alpha - \sigma_y F \sin \alpha \cos \alpha - \tau_{xy} F \cos^2 \alpha + \tau_{xy} F \sin^2 \alpha = 0,$$

бу ерда $\cos$ юза $F \cos \alpha$ га, $\sin$ юза эса $F \sin \alpha$ га тенг эканлиги инобатга олинди.



2.7-шакл



2.8-шакл

Бу тенгламалардан қуйидагилар келиб чиқади:

$$\sigma_\alpha = \sigma_x \cos^2 \alpha + \sigma_y \sin^2 \alpha - 2\tau_{xy} \sin \alpha \cos \alpha,$$

$$\tau_\alpha = (\sigma_x - \sigma_y) \sin \alpha \cos \alpha + \tau_{xy} (\cos^2 \alpha - \sin^2 \alpha).$$

Агар

$$\cos^2 \alpha = \frac{1 + \cos 2\alpha}{2}, \quad \sin^2 \alpha = \frac{1 - \cos 2\alpha}{2}, \quad \sin 2\alpha = 2 \sin \alpha \cos \alpha$$

эканлигини эътиборга олсак, юқоридаги формулалар қуйидагича ёзилади:

$$\sigma_\alpha = \frac{\sigma_x + \sigma_y}{2} + \frac{\sigma_x - \sigma_y}{2} \cos 2\alpha - \tau_{xy} \sin 2\alpha, \quad \tau_\alpha = \frac{\sigma_x - \sigma_y}{2} \sin 2\alpha + \tau_{xy} \cos 2\alpha.$$

Бу формулалардан σ_α ва τ_α ларнинг қийматларини биз текшираётган ҳол учун ҳисоблаймиз

$$\begin{aligned} \sigma_\alpha &= \frac{\sigma_x + \sigma_y}{2} + \frac{\sigma_x - \sigma_y}{2} \cos 2\alpha - \tau_{xy} \sin 2\alpha = \frac{5+2.5}{2} \cdot 10^7 + \frac{5+2.5}{2} \cdot 10^7 \cos 60^\circ + \\ &+ 1.125 \cdot 10^7 \sin 60^\circ = (125 + 375 \cdot 0.5 + 125 \frac{\sqrt{3}}{2}) \cdot 10^7 = 420.7 \cdot 10^7 \frac{H}{M^2}, \end{aligned}$$

$$\tau_\alpha = \frac{\sigma_x - \sigma_y}{2} \sin 2\alpha + \tau_{xy} \cos 2\alpha = \frac{5+2.5}{2} \cdot 10^7 \cdot \frac{\sqrt{3}}{2} - 1.125 \cdot 0.5 \cdot 10^7 = 262.2 \cdot 10^7 \frac{H}{M^2}.$$

Бош кучланишларни ҳисоблаймиз:

$$\sigma_{1,2} = \frac{\sigma_x + \sigma_y}{2} \pm \frac{1}{2} \sqrt{(\sigma_x - \sigma_y)^2 + 4\tau_{xy}^2} = \frac{5+2.5}{2} \cdot 10^7 \pm \frac{1}{2} \sqrt{(7.5)^2 + 4(-1.125)^2} \cdot 10^7,$$

$$\sigma_1 = 523 \cdot 10^7 \frac{H}{M^2}, \quad \sigma_2 = -273 \cdot 10^7 \frac{H}{M^2}$$

Бош юзанинг йўналишини аниқлаймиз

$$\tan 2\alpha_1 = -\frac{2\tau_{xy}}{\sigma_x - \sigma_y} = -\frac{2 \cdot 1.125}{7.5} = -0.33.$$

Бундан $2\alpha_1 = -18^\circ 15'$, $\alpha_1 = -9^\circ 8'$ эканлиги келиб чиқади. Бош кучланишларнинг йўналишлари 2.8 – шаклда кўрсатилган.


Текшириш. Агар юқоридаги амалларнинг ҳаммаси тўғри бажарилса, $\sigma_a + \sigma_b = \sigma_1 + \sigma_2$ тенглик ўринли бўлади.

Қурилатган мисолда

$$500 - 250 = 523 - 273 = 250$$

бўлади.

2.3-масала. 2.9-шаклдаги кучланганлик ҳолати учун Мор доирасини қуринг, $\alpha = 30^\circ$ юзадаги нормал ва уринма кучланишларнинг қийматларини график усулда ҳисобланг ва бош юзаларнинг йўналишларини аниқланг. Маълумотларни 2.1-жадвалдан олинг.




2.9-шакл


2.3-масалани ечишга оид кўрсатмалар.

Берилган: 2.10-шакл.

Ечиш усули. Мор доираси қуйидаги кетма-кетликда қурилади.



2.10-шакл



2.11-шакл

1) (σ, α) текислигида σ ўқини горизонтал, τ ўқини эса унга тик қилиб ўтказамиз (2.11-шакл).

2) σ_x , σ_y ва τ_x ларнинг қийматларидан келиб чиққан ҳолда масштаб танлаймиз.

3) (σ, α) текислигида абсциссаси σ_x га ва ординатаси τ_x га тенг $A(\sigma_x, \tau_x)$ нуқтани аниқлаймиз. Берилган шаклга қура $\sigma_x > 0$, $\tau_x < 0$, шунинг учун σ_x абсциссанинг мусбат, τ_x эса ординатанинг манфий томонидан ажратилган.

4) Юқоридаги қоидалар бўйича абсциссаси σ_x ва ординатаси τ_x га тенг бўлган $B(\sigma_x, \tau_x)$ нуқтани аниқлаймиз. A нуқта параллелепипеднинг тик жойлашган юзаларидаги, B нуқта эса — горизонтал жойлашган юзалардаги кучланишларни ифодалайди.

5) A ва B нуқталарни туташтириб, абсцисса ўқи билан кесишган O нуқтани белгилаймиз. Ҳосил бўлган OaA ва OvB тўғри бурчакли учбурчаклар ўзаро тенг, чунки уларнинг BOv ва AOa ўткир бурчаклари, ҳамда bB ва aA томонлари ўзаро тенг (уринма кучланишларнинг жуфтлик қоида­сига кўра $\tau_x = -\tau_y$).

Учбурчакларни bo ва ao томонларининг йиғиндиси $\sigma_x - \sigma_y$ га тенг. Шунинг учун уларнинг ҳар бири $\frac{\sigma_x - \sigma_y}{2}$ га тенг. Демак O нуқтанинг абсциссаси

$$\sigma_y + \frac{\sigma_x - \sigma_y}{2} = \frac{\sigma_x + \sigma_y}{2}$$

га, ординатаси эса 0 га тенг, яъни $O(\frac{\sigma_x - \sigma_y}{2}, 0)$ ва бу нуқта Мор доирасининг маркази бўлади.

6) O марказ орқали радиуси $OA = OB$ га тенг бўлган доира чизамиз. Ҳосил бўлган доира Мор доираси дейилади, унинг радиуси

$$R = \sqrt{\left(\frac{\sigma_x - \sigma_y}{2}\right)^2 + \tau_x^2}$$

га тенг.

7) A ва B нуқталардан ордината ўқларига параллел тўғри чизиқлар ўтказамиз. A нуқтадан ўтказилган тўғри чизиқни айлана билан кесишган C нуқтаси қутб нуқта дейилади (B нуқта ҳам худди шундай).

8) Айланада ихтиёрий M нуқтани олиб C нуқта билан туташтирамиз ва MC тўғри чизиқни ордината ўқи билан ҳосил қилган бурчагини β билан белгилаймиз. M нуқтанинг координаталари σ_x кучланишга тик бўлган юза билан α бурчак ҳосил қилувчи юзадаги σ_n ва τ_n кучланишлар бўлади, яъни $M(\sigma_n, \tau_n)$. Бунда C нуқтанинг координаталари σ_x ва τ_x га тенг бўлади, яъни $C(\sigma_x, \tau_x)$.

9) M ва C нуқталарнинг координаталарини β бурчак орқали ифода­лаймиз

$$\tau_n \beta = \frac{MD}{DC} = \frac{\sigma_x - \sigma_y}{\tau_n - \tau_x} \quad (a)$$

10) σ_n ва τ_n кучланишларни σ_x , σ_y ва τ_x кучланишлар орқали ифода­лаймиз

$$\sigma_n = \sigma_x \cos^2 \alpha + \sigma_y \sin^2 \alpha + \tau_x \sin 2\alpha,$$

$$\tau_a = \frac{\sigma_x - \sigma_y}{2} \sin 2\alpha - \tau_x \cos 2\alpha$$

11) σ_a ва τ_a кучланишларнинг ифодаларини (а) тенгликка қўйсак

Кундаланг кесимларнинг бурилиш бурчаклари эпюраларини $\tau = l$ кесимдан бошлаб қурамиз. Бу кесим қўзғалмас қилиб маҳкамланган бўлгани учун $\varphi_l = 0$ бўлади.

Вал k кесимининг бурилиши KL бўлакнинг бурилишига тенг бўлади

$$\varphi_k = \varphi_{kl} = \frac{M_x^N l_{IV}}{GJ_{IV}} = -\frac{5Ma}{G\pi(1.5d)^4} = -10.1 \frac{Ma}{Gd^4}$$

32

Қолган кесимларнинг бурилиши:

1) кесимнинг бурилишлари

$$\varphi_D = \varphi_K + \varphi_{DK} = \varphi_K + \frac{M_{\text{с}}^{\text{III}} l_{\text{III}}}{GJ_{\text{с}}} = -10.1 \frac{Ma}{Gd^4} - \frac{M \cdot 2a}{G\pi(1.5d)^4} = -14.12 \frac{Ma}{Gd^4};$$

- С кесимнинг бурилиши

$$\varphi_{\text{с}} = \varphi_D + \varphi_{DC} = \varphi_D + \frac{M_{\text{с}}^{\text{II}} l_{\text{II}}}{GJ_{\text{с}}} = -14.12 \frac{Ma}{Gd^4} - \frac{M \cdot 2a}{G\pi d^4} = -34.52 \frac{Ma}{Gd^4};$$

- В кесимнинг бурилиши

$$\varphi_{\text{в}} = \varphi_{\text{с}} + \varphi_{\text{св}} = \varphi_{\text{с}} + \frac{M_{\text{с}}^{\text{I}} l_{\text{I}}}{GJ_{\text{с}}} = -34.52 \frac{Ma}{Gd^4} + \frac{Ma}{G\pi d^4} = 24.32 \frac{Ma}{Gd^4};$$

Кесимлар бурилиш бурчакларининг эпюраси шаклда келтирилган.

5.2-масала. Шаклдаги ҳаракатга келтирувчи қурилма учун қуйидагилар бажарилсин:


- I, II, III кесимлардаги буровчи моментларнинг эпюраларини қуринг;







- мустаҳкамлик ва бикрлик шартларидан фойдаланиб валнинг I, II, III кесимлари диаметрларини аниқланг;

- электродвигател қувватининг қурилмани ҳаракатлантириш учун талаб этилган қийматини аниқланг.

Керакли маълумотлари 5.2-жадвалдан олинг.

5.2-масаланинг шакллари





5.2-масалани ечиш намунаси.

Электродвигателдан биринчи валга N кВт қувват узатилади. Биринчи валдан иккинчи валга N_1 кВт ва ишчи машиналарнинг валларига N_2 кВт ва N_3 кВт, иккинчи валдан машиналарнинг валларига N_4 , N_5 ва N_6 кВт қувват узатилади. Мустаҳкамлик ва бикрлик шартларидан фойдаланиб валларнинг d_1 ва d_2 диаметрларини аниқланг. Биринчи ва иккинчи валларнинг кундаланг кесимларини узгармас деб олинг. Электродвигателни айланиш частотаси $n \frac{\text{с}}{\text{мин}}$, шкивларнинг диаметрлари эса D_1 , D_2 , D_3 , ва D_4 мм га тенг.

N	Вари- ант	M ₁	M ₂	M ₃	M ₄	M ₅	n мин	Z ₁	Z ₂	Z ₃	Z ₄	
		H _и										
1	I	380	400	250	260	150	230	150	20	45	25	60
	II	390	260	380	240	160	210	160	21	46	26	61
	III	400	270	360	220	170	200	170	22	47	27	62
2	IV	420	270	440	180	170	210	120	22	60	28	80
	V	400	250	420	190	170	220	110	24	62	30	82
	VI	410	260	380	200	180	230	100	25	64	32	84
3	VII	390	300	150	230	120	180	210	21	54	23	90
	VIII	400	310	160	250	140	210	215	23	55	21	95
	IX	410	270	170	240	150	200	220	25	56	20	80
4	X	360	270	210	230	140	250	180	25	55	21	61
	XI	280	380	200	350	150	260	190	26	56	22	62
	XII	400	290	180	370	160	270	140	27	57	23	63
5	XIII	410	260	180	310	180	230	115	20	65	22	70
	XIV	400	280	190	320	190	240	120	21	66	23	71
	XV	390	250	200	340	200	250	130	22	67	24	72
6	XVI	390	500	180	240	200	200	145	26	58	20	65
	XVII	400	490	190	250	210	270	150	27	59	21	66
	XVIII	410	480	200	260	220	280	155	28	60	22	67
7	XIX	430	350	230	250	210	260	140	22	65	26	80
	XX	440	360	240	260	220	270	150	23	66	27	81
	XXI	450	360	250	260	230	280	160	24	67	28	82
8	XXII	500	210	280	200	230	160	115	21	75	22	90
	XXIII	490	220	270	210	240	170	120	23	74	23	95
	XXIV	480	230	290	220	250	180	125	25	73	24	90
9	XXV	340	250	300	250	270	180	105	23	59	28	84
	XXVI	350	260	290	260	270	190	100	24	60	29	85
	XXVII	360	270	280	260	280	200	115	25	61	30	85
10	XXVIII	460	490	300	330	300	250	115	20	59	25	78
	XXIX	470	480	310	320	310	240	110	21	60	26	79
	XXX	480	470	320	330	320	230	115	22	61	27	80


Берилган: 5.6, а-шакл, $N = 20 \text{ кВт}$, $N_1 = 15 \text{ кВт}$, $N_2 = 2 \text{ кВт}$.

$N_3 = 3 \text{ кВт}$, $N_4 = 7 \text{ кВт}$, $N_5 = 4 \text{ кВт}$, $N_6 = 4 \text{ кВт}$, $[\tau_s] = 25 \frac{\text{Н}}{\text{мм}^2}$, $[\varphi] = 0.25 \frac{\text{град}}{\text{м}}$,

$n = 970 \frac{\text{а\ddot{u}}\text{л}}{\text{мин}}$, $D_1 = 200 \text{ мм}$, $D_2 = 400 \text{ мм}$, $D_3 = 200 \text{ мм}$, $D_4 = 600 \text{ мм}$.

Ечиш.

5.6, б-шаклда I валнинг кўриниши алоҳида тасвирланган. Бу валга N , ундан эса N_1 , N_2 , N_3 қувватлар узатилади. Кўрилатган валнинг



5.6-шак.

бурчак тезлиги частотаси ва ундаги ташқи буровчи момент M_1 , M_2 , M_3 ларни аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} n_2 &= n \frac{D_1}{D_2} = 970 \cdot \frac{200}{400} = 485 \frac{\text{ай}}{\text{мин}}, & \omega_1 &= \frac{\pi n_1}{30} = \frac{3.14 \cdot 485}{30} = 50.8 \frac{\text{рад}}{\text{с}}, \\ M &= \frac{N}{\omega_1} = \frac{20 \cdot 10^3}{50.8} = 394 \text{ Нм}, & M_1 &= \frac{N_1}{\omega_1} = \frac{15 \cdot 10^3}{50.8} = 295 \text{ Нм}, \\ M_2 &= \frac{N_2}{\omega_1} = \frac{2 \cdot 10^3}{50.8} = 295 \text{ Нм}, & M_3 &= \frac{N_3}{\omega_1} = \frac{3 \cdot 10^3}{50.8} = 59.5 \text{ Нм}. \end{aligned}$$

Буровчи момент эпюрасини қурамыз. Бунда шартли равишда N қувватдан ҳосил бўлган моментни мусбат, N_1 ва N_2 қувватлардан эсил бўлган моментларни эса манфий деб оламиз. Натижада 5.6, з-шаклдаги эпюрага эга бўламиз ва ундан $M_{16 \text{ MAX}} = 354.5 \text{ Нм}$ эканлигини қурамыз.

Мустаҳкамлик шартидан фойдаланиб биринчи валнинг диаметрини аниқлаймиз,

$$\tau_{\text{MAX}} = \frac{M_{16 \text{ MAX}}}{W_p} = \frac{M_{16 \text{ MAX}}}{\frac{\pi d_1^3}{16}} \leq [\tau_s],$$

бу ердан d_1 валнинг диаметри

$$d_1 \geq \sqrt[3]{\frac{16 M_{16 \text{ MAX}}}{\pi [\tau_s]}} = \sqrt[3]{\frac{16 \cdot 354.5 \cdot 10^3}{3.14 \cdot 25}} = 42 \text{ мм}$$

эканлигини қурамыз.

Бикрлик шартини қурамыз

$$\varphi = \frac{180^\circ}{\pi} \frac{M_{16 \text{ MAX}}}{G J_p} = \frac{180^\circ}{\pi} \frac{M_{16 \text{ MAX}}}{G \pi d_1^4} \leq [\varphi],$$

32

бу ердан d_1 валнинг диаметри

$$d_1 \geq \sqrt[4]{\frac{M_{16 \text{ MAX}} \cdot 180 \cdot 32}{G \pi^2 [\varphi]}} = \sqrt[4]{\frac{354.5 \cdot 10^3 \cdot 180 \cdot 32 \cdot 10^3}{8 \cdot 10^4 \cdot 10^6 \cdot 3.14^2 \cdot 0.25}} = 56.8 \text{ мм}$$

эканлигини аниқлаймиз.

Диаметрнинг қийматини унинг стандартдаги миқдоригача чегаралаб $d_1 = 58 \text{ мм}$ деб қабул қиламиз.

Иккинчи валнинг диаметрини ҳисоблаймиз. 5.6, з-шаклда узига N_1 қувватни олаётган ва ўзидан N_2 , N_3 , N_4 қувватларни узатаётган валнинг қуриниши тасвирланган.

Бу валдаги ташқи буровчи моментларни аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} M_2 &= \frac{N_1}{\omega_2} = \frac{15 \cdot 10^3}{17} = 882 \text{ Нм}; & M_4 &= \frac{N_4}{\omega_2} = \frac{7 \cdot 10^3}{17} = 412 \text{ Нм}; \\ M_3 &= M_5 = \frac{N_3}{\omega_2} = \frac{N_5}{\omega_2} = \frac{4 \cdot 10^3}{17} = 235 \text{ Нм}. \end{aligned}$$

Иккинчи вал буровчи моментининг эпюраси 5.6, д-шаклда келтирилган. Эпюрадан энг катта буровчи момент $M_{2d \max} = 470 \text{ Нм}$ эканлигини кураимиз.

Иккинчи валнинг диаметрини мустаҳкамлик ва бикрлик шартларидан аниқтаймиз:

- мустаҳкамлик шартидан

$$d_2 \geq \sqrt[3]{\frac{16 M_{2d \max}}{\pi [\tau_s]}} = \sqrt[3]{\frac{16 \cdot 470 \cdot 10^3}{3.14 \cdot 25}} = 46 \text{ мм},$$

- бикрлик шартидан

$$d_2 \geq \sqrt[3]{\frac{M_{2d \max} \cdot 180 \cdot 32}{G \pi^2 [\varphi]}} = \sqrt[3]{\frac{470 \cdot 180 \cdot 32 \cdot 10^6}{8 \cdot 10^4 \cdot 10^4 \cdot 3.14^2 \cdot 0.25}} = 61 \text{ мм}.$$


Диаметрнинг қийматини унинг стандартдаги миқдоригача чегаралаб $d_2 = 62 \text{ мм}$ деб қабул қиламиз.
























5.3-масала. Шаклдаги ўзгармас кесимли трансмиссион валлар учун қуйидагиларни бажаринг:





- буровчи моментларнинг эпюраларини қуринг;
- мустаҳкамлик шартидан фойдаланиб валларнинг айланиш бурчак тезликларининг рухсат этилган қийматини аниқланг;

бурчак тезликларнинг топилган қийматларидан фойдаланиб ва валларнинг ўнг томонлари маҳкамланган деб олиб буралиш бурчаги φ нинг эпюрасини қуринг ($[\tau] = 40 \frac{\text{Н}}{\text{мм}^2}$).

5.3-масаланинг шакллари





















5.4-масала. Шаклдаги валлар учун қуйидагиларни бажаринг:


- X моментнинг қандай қийматларида валнинг ўнг томон чегара кесимининг бурилиши нолга тенг бўлишини аниқланг;
 - X моментнинг топилган қийматини эътиборга олиб буровчи моментнинг эпюрасини қуринг;
 - мустаҳкамлик шартидан фойдаланиб вал диаметрининг рухсат этилган қийматини ва унинг стандартга мос келадиган бутун қийматини аниқланг;
 - вал бурилиш бурчаги φ нинг эпюрасини қуринг;
 - нисбий бурилиш бурчагининг энг катта қийматини аниқланг.
- Керакли маълумотларни 5.3-жадвалдан олинг.

5.4-масаланинг шакллари







XXV




XXVI




XXVII




XXVIII



XIX



XXX



5.3-жадвал

№	<i>a</i>	<i>b</i>	<i>c</i>	<i>M</i> ₁	<i>M</i> ₂	<i>M</i> ₃	[τ]
	<i>m</i>			<i>Hm</i>			<i>МПа</i>
I	0.1	0.1	0.1	550	400	550	30
II	0.2	0.2	0.2	600	450	600	35
III	0.3	0.3	0.3	650	550	650	40
IV	0.4	0.4	0.4	700	600	700	45
V	0.5	0.5	0.5	750	650	750	50
VI	0.6	0.6	0.6	800	700	800	55
VII	0.7	0.7	0.7	850	750	850	60
VIII	0.8	0.8	0.8	900	800	900	65
IX	0.9	0.9	0.9	950	850	950	70
X	1.0	1.0	1.0	1000	900	1000	75
XI	1.1	1.1	1.1	1050	950	1050	80
XII	1.2	1.2	1.2	1100	1000	1100	85
XIII	1.3	1.3	1.3	1150	1050	1150	90
XIV	1.4	1.4	1.4	1200	1100	1200	95
XV	1.5	1.5	1.5	1250	1150	1250	100
XVI	1.6	1.6	1.6	1300	1200	1300	30
XVII	1.7	1.7	1.7	1350	1250	1350	35
XVIII	1.8	1.8	1.8	1400	1300	1400	40
XIX	1.9	1.9	1.9	1450	1350	1450	45
XX	2.0	2.0	2.0	1500	1400	1500	50
XXI	2.1	2.1	2.1	1550	1450	1550	55
XXII	2.2	2.2	2.2	1600	1500	1600	60
XXIII	2.3	2.3	2.3	1650	1550	1650	65
XXIV	2.4	2.4	2.4	1700	1600	1700	70
XXV	2.5	2.5	2.5	1750	1650	1750	75

XXVI	2.6	2.6	2.6	1800	1700	1800	80
XXVII	2.7	2.7	2.7	1850	1750	1850	85
XXVIII	2.8	2.8	2.8	1900	1800	1900	90
XXIX	2.9	2.9	2.9	1950	1850	1950	95
XXX	3.0	3.0	3.0	2000	1900	2000	100

5.5-масала. Шаклдаги валларни буровчи момент, энг катта ўринма кучланиш ва бурилиш бурчаги эпюраларини қўриниш, деформациянинг потенциал энергияси ва буровчи моментлаб бажарган ишларини ҳисобланг. Керакли маълумотларни 5.4-жадвалдан олинг.

5.5-масалани ечиш намуналари.


А. 5.5-шаклдаги вал деформациясини потенциал энергиясини ва буровчи моментларнинг бажарган ишини аниқланг.


Ечиш

Деформациянинг потенциал энергиясини аниқлаймиз


$$\begin{aligned}
 U &= \frac{M_{\text{бу}}^2 l_1}{2GJ_H} + \frac{M_{\text{бу}}^2 l_{II}}{2GJ_{HII}} + \frac{M_{\text{бу}}^2 l_{III}}{2GJ_{HIII}} + \frac{M_{\text{бу}}^2 l_{IV}}{2GJ_{HIV}} = \\
 &= \frac{M^2 a}{2G \frac{\pi d^4}{32}} + \frac{2M^2 a}{2G \frac{\pi d^4}{32}} + \frac{2M^2 a}{2G \frac{(1.5d)^4}{32}} + \frac{(5M)^2 a}{2G \frac{(1.5d)^4}{32}} = 42.5 \frac{M^2 a}{Gd^4}
 \end{aligned}$$

5.5-масаланинг шакллари







V




VI




VII




VIII




IX



X



XI



XII

Ташқи буровчи моментларнинг бажарган ишhini аниқлаймиз


$$\begin{aligned}
 W &= W_u + W_{u'} + W_{u''} = -\frac{1}{2} M \varphi_a + \frac{1}{2} 2M \varphi_c + \frac{1}{2} 4M \varphi_b = \\
 &= -\frac{1}{2} M \cdot 24.32 \frac{Ma}{Gd^4} + \frac{1}{2} M \cdot 34.52 \frac{Ma}{Gd^4} + \frac{1}{2} M \cdot 10.1 \frac{Ma}{Gd^4} = 42.5 \frac{Ma}{Gd^4}.
 \end{aligned}$$

Б. 5.7, а-шаклдаги валнинг буровчи момент, энг катта уринма кучланиш ва буралниш бурчаги эпюраларини қуринг, деформациянинг потенциал энергиясининг ва буровчи моментлар бажарган ишларини ҳисобланг.

Ечиш. Чегаралардаги боғланишларни номаълум реактив моментлар M_1 ва M_2 билан алмаштириб параллел текисликларда ётувчи ва ўзаро мувозанатда бўлган жуфтлар системасига эга буламиз (5.7, б-шакл).

5.4-жадвал

№	Шакл	a	b	c	d	M_1	M_2	M_3	M_4	[τ]
		м				Нм				МПа
1	I	0.1	0.6	0.2	0.3	800	600	1000	1100	25
2	II	0.2	0.7	0.3	0.4	900	700	1100	1200	30
3	III	0.3	0.8	0.4	0.5	1000	800	1200	1300	35
4	IV	0.4	0.9	0.5	0.6	1100	900	1300	1400	40
5	V	0.5	1.0	0.6	0.7	1200	1000	1400	1500	45
6	VI	0.6	0.1	0.7	0.8	1300	1100	1500	1600	50
7	VII	0.7	0.2	0.8	0.9	1400	1200	1600	1700	25
8	VIII	0.8	0.3	0.9	1.0	1500	1300	1700	1800	30
9	IX	0.9	0.4	1.0	0.9	1600	1400	1800	1900	35
10	X	1.0	0.5	0.9	0.8	1700	1500	1900	2000	40
11	XI	0.1	0.6	0.2	0.3	1800	1600	2000	1000	45
12	XII	0.2	0.7	0.3	0.4	1900	1700	1000	1100	50
13	XII	0.3	0.8	0.4	0.5	2000	1800	1100	1200	25
14	XI	0.4	0.9	0.5	0.6	2100	1900	1200	1300	30
15	IX	0.5	1.0	0.6	0.7	2200	2000	1300	1400	35
16	VIII	0.6	0.1	0.7	0.8	800	600	1400	1500	40
17	VII	0.7	0.2	0.8	0.9	900	700	1500	1600	45
18	VI	0.8	0.3	0.9	1.0	1000	800	1600	1700	50
19	V	0.9	0.4	1.0	0.9	1100	900	1700	1800	25
20	IV	1.0	0.5	0.9	0.8	1200	1000	1800	1900	30
21	III	0.1	0.6	0.2	0.3	1300	1100	1900	2000	35
22	II	0.2	0.7	0.3	0.4	1400	1200	2000	1000	40
23	I	0.3	0.8	0.4	0.5	1500	1300	1000	1100	45
24	II	0.4	0.9	0.5	0.6	1600	1400	1100	1200	50
25	III	0.5	1.0	0.6	0.7	1700	1500	1200	1300	25
26	IV	0.6	0.1	0.7	0.8	1800	1600	1300	1400	30
27	V	0.7	0.2	0.8	0.9	1900	1700	1400	1500	35
28	VI	0.8	0.3	0.9	1.0	2000	1800	1500	1600	40
29	VII	0.9	0.4	1.0	0.9	2100	1900	1600	1700	45
30	VIII	1.0	0.5	0.9	0.8	2200	2000	1700	1800	50



5.7-шакл

Статиканинг мувозанат тенгламасини тузамиз

$$-M_1 + M - M_2 = 0.$$

Бу тенгламада иккита номаълум мавжуд, яъни масала бир марта статик аниқмас.

Кушимча - кучиш тенгламасини $\varphi_1 = 0$ еки $\varphi_2 = 0$ шартларнинг биттасидан фойдаланиб тузамиз.

Унг томондаги боғланишни олиб, унинг таъсирини номаълум реактив момент M_B билан алмаштирамиз (5.7, в-шакл). Кучлар таъсирининг мустақиллиги ҳақидаги принципни қўлаб кучиш тенгламасини қуйидагича ёзиб оламиз

$$\varphi_B = \varphi_{BM} + \varphi_{BMB} = 0,$$

бу ерда B кесимнинг M момент таъсирида бурилиш бурчаги

$$\varphi_{BM} = \frac{Ma}{GJ_{PI}} + \frac{2Ma}{GJ_{PII}} = \frac{Ma}{G\pi d^4} + \frac{2Ma}{G\pi(1.1d)^4} = 24.2 \frac{Ma}{Gd^4},$$

B кесимнинг M_B момент таъсирида бурилиш бурчаги

$$\varphi_{BMB} = -\frac{2M_B a}{GJ_{PI}} - \frac{2M_B a}{GJ_{PII}} = -\frac{2M_B a}{G\pi d^4} - \frac{2M_B a}{G\pi(1.1d)^4} = -34.4 \frac{M_B a}{Gd^4}$$

га тенг бўлади.

Топилган қийматларни кучиш тенгламасига қуйиб қуйидагини оламиз,

$$24.2 \frac{Ma}{Gd^4} - 34.4 \frac{M_B a}{Gd^4} = 0,$$

бу ердан

$$M_B \approx 0.703M.$$

Юқоридаги масалаларни ечиш усулларидан фойдаланиб M_B , τ_{max} ва φ ларни эпюраларини қурамиз (5.1, 5.5-5.6-шаклларга қаранг).

Деформациянинг потенциал энергиясини ҳисоблаймиз

$$U = \frac{M_B^2 l_I}{2GJ_{PI}} + \frac{M_B^2 l_{II}}{2GJ_{PII}} + \frac{M_{BM}^2 l_{III}}{2GJ_{PII}} =$$

$$= \frac{1}{2} \frac{(0.703M)^2 a}{G\pi d^4} + \frac{1}{2} \frac{(0.297M)^2 a}{G\pi d^4} + \frac{1}{2} \frac{(0.297M)^2 2a}{G\pi(1.1d)^4} = 3.58 \frac{M^2 a}{Gd^4}.$$

Ташқи буровчи моментларнинг бажарган иши


$$W = \frac{1}{2} M \varphi_C = \frac{1}{2} M \cdot 7.15 \frac{Ma}{Gd^4} = 3.58 \frac{M^2 a}{Gd^4}$$

га тенг бўлади.

5.6-масала. Деформацияланмайдиған түсин қўзғалмас шарнирли таянчга ва симларининг диаметрлари d ўзгармас ҳамда ўрамларининг диаметри D га тенг иккита пружиналарга боғланган. Биринчи пружина n та ва иккинчи пружина эса m та ўрамлардан ташкил топган. Қуйидагиларни аниқланг: 1) пружиналардаги ички

куч ва кучланишларни; 2) пружиналарнинг қанча масофага чуқишини; 3) ўрамларнинг нисбати $\frac{m}{n}$ қанча булганда пружиналардаги ички кучлар тенг бўлишини; 4) $\frac{m}{n}$ нисбатнинг 3) да топилган қиймати ва m нинг 5.5-жадвалда келтирилган қийматларида пружиналар чуқиши ва улардаги ички куч ва кучланишларни.

5.6-масаланинг шакллари



№	Шакл	D	d	m	n	P	№	Шакл	D	d	m	n	P
		см				H			см				H
1	I	6	0.6	6	6	30	16	VI	6	0.6	6	6	30
2	II	7	0.7	7	7	40	17	VII	7	0.7	7	7	40
3	III	8	0.8	8	8	50	18	VIII	8	0.8	8	8	50
4	IV	9	0.9	9	9	60	19	IX	9	0.9	9	9	60
5	V	10	1.0	10	10	70	20	X	10	1.0	10	10	70
6	VI	11	1.1	11	11	80	21	I	11	1.1	11	11	80
7	VII	12	1.2	12	12	90	22	II	12	1.2	12	12	90
8	VIII	13	1.3	13	13	30	23	III	13	1.3	13	13	30
9	IX	14	1.4	14	14	40	24	IV	14	1.4	14	14	40
10	X	15	1.5	15	15	50	25	V	15	1.5	15	15	50
11	I	16	1.6	16	16	60	26	VI	16	1.6	16	16	60
12	II	17	1.7	15	15	70	27	VII	17	1.7	15	15	70
13	III	18	1.8	14	14	80	28	VIII	18	1.8	14	14	80
14	IV	19	1.9	13	13	90	29	IX	19	1.9	13	13	90
15	V	20	2.0	12	12	50	30	X	20	2.0	12	12	50

5.7-масала. Доиравий кўндаланг кесимли ва узунлиги l га тенг бўлган валнинг иккала учлари қўзғалмас қилиб маҳкамлаб қўйилган. Валнинг ўрта кесими M ташқи буровчи момент қўйилган. Маҳкамланган жойларда ҳосил бўладиган реактив моментларнинг ифодалари аниқлансин.


5.8-масала. Пулатдан ясалган ковак валнинг сиртқи диаметри $d_1 = 100$ мм ва ички диаметри $d_2 = 50$ мм дир. У минутига $n = 80 \frac{\text{айл}}{\text{мин}}$ тезлик билан айланиб, $l = 2.7$ м узунлиги давомида $\varphi = 1.8^\circ$ га буралса, вал неча от кучига тенг қувватни узатиши мумкин? Энг катта уринма қўчланишнинг миқдори қанча бўлади?












5.9-масала. Пулатдан ясалган доиравий кўндаланг кесимли вал иккала учи билан маҳкамланган. Валнинг узунлиги $l = a + b + c$ га тенг бўлиб, унинг a ва $a + b$ кесимларига қарама-қарши йўналган $M_1 = 400 \frac{H}{м}$ ва $M_2 = 600 \frac{H}{м}$ буровчи моментлар қўйилган. Валнинг диаметри мустаҳкамлик ва бикрлик шартларидан фойдаланиб ҳисоблансин. Ҳар бир метр узунлик учун учун рухсат этилган бурилиш бурчаги $[\varphi] = \frac{1}{1000}$ га тенг деб олинсин ($a = 0.5$ м, $b = 0.75$ м, $c = 1.25$ м).

6. Тўғри эгилишда кесувчи куч ва эгувчи момент эпюраларини қуриш. Тусинлар кўндаланг кесимлари юзини танлаш

6.1-масала. Шаклда иккита тусинларнинг ҳар бир булакчаларидаги Q ва M ифодаларини ёзинг, уларнинг эпюраларини қуриш ва $M_{\max}$ ни аниқланг. Керакли маълумотларни 6.1-жадвалдан олинг

6.1-масаланинг шакллари







IXXX

(q)



(v)




LXX

(q)




(v)



LXXX

(q)



(v)



IIIXX


(q)




(v)



(q)



(v)



(q)




(v)




(q)




(v)




(q)




(q)





(q)





(q)




(q)




(q)



(q)





6.1-жадвал

N_2	P κH	M κH_m	q KH/m	a	b	c	d	N_2	P κH	M κH_m	q KH/m	a	b	c	d
M								M							
1	1	1	1	1	1	2	0.2	16	1	1	1	4	1	2	0.2
2	2	2	2	2	2	3	0.3	17	2	2	2	1	2	3	0.3
3	3	3	3	3	3	4	0.4	18	3	3	3	2	3	4	0.4
4	4	4	4	4	1	2	0.5	19	4	4	4	3	1	2	0.5
5	5	5	5	1	2	3	0.6	20	5	5	5	4	2	3	0.6
6	6	6	6	2	3	4	0.2	21	6	6	6	1	3	4	0.2
7	7	7	7	3	1	2	0.3	22	7	7	7	2	1	2	0.3
8	8	8	8	4	2	3	0.4	23	8	8	8	3	2	3	0.4
9	9	9	9	1	3	4	0.5	24	9	9	9	4	3	4	0.5
10	10	10	10	2	1	2	0.6	25	10	10	10	1	1	2	0.6
11	11	11	1	3	2	3	0.2	26	11	11	1	2	2	3	0.2
12	12	12	2	4	3	4	0.3	27	12	12	2	3	3	4	0.3
13	13	13	3	1	1	2	0.4	28	13	13	3	4	1	2	0.4
14	14	14	4	2	2	3	0.5	29	14	14	4	1	2	3	0.5
15	15	15	5	3	3	4	0.6	30	15	15	5	2	3	4	0.6


6.1-масалани ечиш намуналари

А. Бир томони қўзғалмас қилиб маҳкамланган тўсинга текис тақсимланган юк (интенсивлиги $q \frac{H}{м}$ га тенг) ва ташқи момент M қўйилган. Тўсиннинг қўндаланг кесимларидаги кесувчи куч ва эгувчи момент эпюраларини қуринг, уларнинг энг катта миқдорларини аниқланг.

Берилган: 6.1, а-шакл, $q = 2 \cdot 10^4 \frac{H}{м}$, $a = 1 м$, $M = 1.5 \cdot 10^4 Н.м$.

Ечиш.

Тўсинни иккита бўлакчаларга ажратамиз. Шаклдаги чап томон чегара, яъни $x = 0$ кесимдан $x = 4a$ кесимгача бўлган оралиқни биринчи – I ва биринчи кесимнинг ўнг томон чегараси $x = 4a$ кесимдан тўсиннинг ўнг томон чегараси $x = 4a + a$ кесимгача бўлган оралиқни иккинчи – II бўлакча деб атаймиз.



6.1-шакл

Биринчи булакчанинг ихтиёрий 1-1 кесимида туриб ички кесувчи куч ва эгувчи моментларнинг ифодаларини ёзамиз ($0 \leq x \leq 4a$):

- кесувчи куч $Q' = -qx$ - тўғри чизиқ;

- эгувчи момент $M' = -\frac{qx^2}{2}$ - парабола.

Тўғри чизиқни иккита ва параболани бир нечта нуқталардаги қийматларини ҳисоблаймиз:

$$Q(0) = 0, \quad Q(4) = -8 \cdot 10^4 \text{ Н};$$

$$M(0) = 0, \quad M(1) = -1 \cdot 10^4 \text{ Нм}, \quad M(2) = -4 \cdot 10^4 \text{ Нм}, \quad M(3) = -9 \text{ Нм}, \quad M(4) = -16 \text{ Нм}.$$

Бу қийматлар асосида ордината ўқида масштаб танлаб эпюра чизамиз (6.1, а, б-шакллар).

Энди иккинчи бўлакчани курамиз. Иккинчи булакчанинг ихтиёрий 2-2 кесимида туриб ички кесувчи куч ва эгувчи моментларнинг ифодаларини ёзамиз ($4a \leq x \leq 4a + a$):

- кесувчи куч $Q'' = -4qa$ - тўғри чизиқ;

- эгувчи момент $M'' = -4qa(x-2) + M$ - тўғри чизиқ.

Кесувчи куч бу ораликда узгармайди ва унинг қиймати

$$Q = -4qa = 8 \cdot 10^4 \text{ Н}$$

га тенг. Эгувчи моментнинг оралик чегара нуқталаридаги иккита қийматларини ҳисоблаймиз:

$$M(4) = -14.5 \text{ Нм}; \quad M(6) = -30.5 \text{ Нм}.$$

Топилган қийматлар асосида иккинчи булакчага тегишли эпюраларни курамиз (6.1, б, в-шакллар).

Қурилган эпюралардан кўриниб турибдики, $Q_{\max} = 8 \cdot 10^4 \text{ Н}$ ва $M_{\max} = 30.5 \cdot 10^4 \text{ Нм}$ га тенг.

В. Иккита таянчларда ётган тўсинга текис тақсимланган юк (интенсивлиги $q \frac{\text{Н}}{\text{м}}$ га тенг), ташқи момент M ва тупланган куч $P = qa$ лар қўйилган. Тўсиннинг кундаланг кесимларидаги кесувчи куч ва эгувчи момент эпюраларини қуриш, уларнинг энг катта миқдорларини аниқланг.

Берилган:

$$6.2, \text{ а-шакл, } q = 2 \cdot 10^4 \frac{\text{Н}}{\text{м}}, \quad a = 2 \text{ м}, \quad M = 1.5 \cdot 10^4 \text{ Нм}.$$

Ечиш.

Таянч реакцияларини топамиз:

$$\sum M_A = 0, \quad A \cdot 3a + M_B + P \cdot 2a - 3q \cdot a \cdot 1.5a = 0$$

бундан,

$$A = \frac{-P \cdot 2a - M_B + 4.5qa^2}{3a} = \frac{-2qa^2 - qa^2 + 4.5qa^2}{3a} = 0.5qa;$$

$$\sum M_B = 0, \quad 3q \cdot a \cdot 1.5a - P \cdot a + M_B - 3a \cdot B = 0$$

бундан,

$$B = \frac{3qa^2 \cdot 1.5 - qa^2 + qa^2}{3a} = 1.5qa.$$

Топилган реакция кучларининг тўғрилигини текшираимиз. Агар юқоридаги ишлар тўғри бажарилган бўлса,


$$\sum Z = 0, \text{ яъни } A + B + P - q \cdot 3a = 0$$

тенглик ўринли бўлади. Ҳақиқатда

$$0.5qa + 1.5qa + qa - 3qa = 0,$$

яъни,

$$3qa - 3qa = 0.$$



6.2-шакл

Тўсиннинг чап учидан x_1 масофада жойлашган I-I кесимдаги кесувчи куч ва эгувчи момент тенгламаларини тузимиз ($0 \leq x_1 \leq a$):

- кесувчи куч

$$Q_1 = A - qx_1 = 0.5qa - qx_1 \quad - \text{туғри чизик};$$

- эгувчи момент

$$M_1' = Ax_1 + M_0 - \frac{qx_1^2}{2} = 0.5qa \cdot x_1 + qa^2 - q \frac{x_1^2}{2} \text{ - парабола.}$$

Кесувчи кучнинг чегара кесимлардаги қийматлари куйидагилардан иборат

$$Q(0) = 0.5qa, \quad Q(a) = -1.5qa,$$

эгувчи моментнинг айти шу кесимлардаги ва оралиқнинг ўртасидаги қийматлари эса

$$M(0) = qa^2, \quad M(0.5a) = \frac{9}{8}qa^2 = 1.125qa^2, \quad M(a) = qa^2$$

лардан иборат.

Эгувчи моментнинг курилайтган оралиқдаги энг катта ёки энг кичкина қийматини топамиз. Кесувчи кучни ифодасини нолга тенглаштириб x_1 нинг қийматини аниқлаймиз

$$Q_{x_1} = A - qx_1 = 0, \quad x_1 = \frac{A}{q} = 0.5a$$

Тўсиннинг бу кесимида эгувчи момент

$$M(0.5a) = \frac{9}{8}qa^2 = 1.125qa^2$$

га тенг.

Тўсиннинг унг томон чегарасидан x_2 масофада ихтиёрий олинган 2-2 кесимда кесувчи куч ва эгувчи момент тенгламаларини тузамиз ($0 \leq x_2 \leq 2a$):

- кесувчи куч $Q_1' = -B + qx_2 = -1.5qa + qx_2$ - тўғри чизик,

- эгувчи момент $M_1'' = Bx_2 - q \frac{x_2^2}{2} = 1.5qax_2 - q \frac{x_2^2}{2}$ - парабола.

Эгувчи моментнинг курилайтган оралиқдаги энг катта ёки энг кичкина қийматини аниқлаймиз. Бунинг учун кесувчи кучнинг ифодасини нолга тенглаштириб x_2 нинг қийматини аниқлаймиз

$$Q_1'' = -B + qx_2 = -1.5qa + qx_2 = 0$$

яъни:

$$x_2 = \frac{1.5qa}{q} = 1.5a$$

Узгарувчи x_2 нинг бу қийматида эгувчи моментни қанча булишини аниқлаймиз

$$M_1'' = Bx_2 - q \frac{x_2^2}{2} = 1.5qax_2 - q \frac{x_2^2}{2} = 1.5^2 qa^2 - q \frac{(1.5a)^2}{2} = \frac{1.5^2}{2} qa^2 = 1.125qa^2.$$

Кесувчи кучни чегара нуқталардаги қийматлари $Q(0) = -1.5qa$ ва $Q(2a) = 0.5qa$ га тенг, эгувчи моментнинг айти шу нуқталардаги ва курилайтган оралиқнинг урта кесимидаги қийматлари $M(0) = 0$ $M(a) = qa^2$ ва $M(2a) = qa^2$ га тенг.

Кесувчи куч ва эгувчи моментнинг бу қийматларидан фойдаланиб эпюраларни қурамиз (6.2, б, в-шакллар). Эпюралардан куриниб турибдики, $Q_{max} = 1.5qa$ ва $M_{max} = 1.125qa^2$ га тенг.

В. 6.3, a -шаклдаги икки таянчда ётган балка учун эгувчи момент ва кесувчи куч эпюраларини қуринг.

Берилган:

$$P_1 = 2qa, \quad P_2 = qa, \quad M = 2qa^2, \quad q = 10^4 \frac{H}{м}, \quad a = 2м.$$

Ечиш.

Таянч реакцияларини топамиз:

$$\sum M_A = 4qa \cdot 2a + P_1 \cdot 4a + M + P_2 \cdot 6a - B \cdot 5a = 0,$$

бу ердан

$$B = \frac{24}{5} qa = 48 \cdot 10^4 H.$$

$$\sum M_B = A \cdot 5a - 4qa \cdot 3a - P_1 a + M + P_2 a = 0,$$

бу ердан

$$A = \frac{11}{5} qa = 4,4 \cdot 10^4 H.$$

Топилган реакция кучларининг тўғрилигини текшираимиз:

$$\sum z = A + B - 4qa - 2qa - qa = 0$$

булиши керак. Ҳақиқатда,

$$\frac{11}{5} qa + \frac{24}{5} qa - 4qa - 2qa - qa = 0$$

тенглик бажарилади.

Сўнгги айният таянч реакцияларининг тўғри топилганлигини асослайди.

Биринчи булакчада ($0 \leq x \leq 4a$) кесувчи куч Q' ва эгувчи момент M' ларнинг ифодаларини ёзамиз:

$$Q' = A - qx; \quad M' = Ax - q \frac{x^2}{2}.$$

Энди эгувчи момент ва кесувчи куч қийматларини I булакча-нинг чегара нуқталари учун (I) тенгламадан аниқлаймиз.

Чап томон чегара, яъни A нуқтада $Q'_A(0) = A = 4,4 \cdot 10^4 H$ ва $M'_A(0) = 0$ бўлади. Унг томон чегара, яъни C нуқтада

$$M'_C(4a) = M'_B(8) = 4,4 \cdot 8 - \frac{64}{2} = 3,2 \cdot 10^4 H \cdot м,$$

$$Q'_C(4a) = M(8) = 4,4 \cdot 8 = -3,6 \cdot 10^4 H \cdot м$$

бўлади.

Биринчи булакчада эгувчи момент M' нинг тенгламаси параболодан иборат. У ўзининг экстремал қийматига $Q' = 0$ кесимда эришади. Бу кесимнинг абсциссасини аниқлаймиз

$$Q' = A - qx = 0,$$


бу ердан

$$x = \frac{A}{q} = \frac{4.4 \cdot 10^4}{10^4} = 4.4 \text{ м.}$$

Топилган қийматни M'_1 ифодасига қўйиб

$$M'_1(4.4) = \left(Ax - q \frac{x^2}{2} \right)_{x=4.4} = 4.4 \cdot 10^4 \cdot 4.4 - 10^4 \cdot \frac{(4.4)^2}{2} = 9.36 \cdot 10^4 \text{ Нм}$$

эканлигини аниқлаймиз.



6.3-шакл

Шундай қилиб, биринчи бўлакчада эгувчи момент эпюраси ac параболадан, кесувчи куч эпюраси эса ac тўғри чизиқдан иборат бўлади. Уларнинг ординаталари юқорида олинган қийматлардан равшан. Бу бўлакчада эгувчи моментнинг энг катта қиймати $M_{max} = 9.68 \cdot 10^4 \text{ Нм}$ га, кесувчи куч эса худди шу кесимда нолга тенг (6.3, б ва в-шакллар).

Иккинчи булакчада ($0 \leq x_2 \leq 10$)

$$M_2^H = 4x - 4qa(x - 2a) - P_1(x - 4a) \quad M_2^H = 4,4x - 8(1 - 4) - 4(1 - 8),$$

$$Q_2^H = A - 4qx - P_1 = 4,4 - 4 \cdot 1 \cdot 2 - 2 \cdot 1 \cdot 2 = 4,4 - 12 = -7,6 \cdot 10^4 \text{ Н}$$

бўлади.

Бу булакчанинг чегара кесимларида:

- С кесимда $x = 8 \text{ м}$, $M_2^H = 3,2 \cdot 10^4 \text{ Нм}$ ва $Q_2^H = -7,6 \cdot 10^4 \text{ Н}$ бўлади;

- В кесимда $x = 10 \text{ м}$, $M_2^H = -1,2 \cdot 10^4 \text{ Нм}$ ва $Q_2^H = -7,6 \cdot 10^4 \text{ Н}$ узгармас сон

бўлади

Шундай қилиб, иккинчи булакчада эгувчи момент ва кесувчи куч эпюралари туғри чизиқлардан иборат бўлади.

Учинчи булакчани кураимиз. Бу булакчада эгувчи момент ва кесувчи куч тенгламаларини кесимнинг чап томонидан тузиш ҳисоблашни анча қийинлаштиради. Унг томонда тўсинга фақат биттагина P куч таъсир қилганлигидан, тенгламаларни шу томондан тузиш маъқулдир. Бинобарин, координаталар бошини D нуқтага қучириб асбиссалар ўқини чап томонга йуналтирсак, бу оралиқ кесимнинг координаталар бошидан ҳисобланган булакчага айланади. Бироқ эгувчи момент ва кесувчи куч тенгламаларини тузишда уларнинг ишораларини қарама-қаршисини олиш керак бўлади.

$$M_3^H = -P_2 x, \quad Q = P, \quad (0 \leq x_3 \leq 2 \text{ м}).$$

Бу ердан:

- D кесимда $M_3^H(0) = 0$ ва $Q_3^H(0) = P = 2 \cdot 10^4 \text{ Н}$;

- В кесимда $M_3^H(2) = -4 \cdot 10^4 \text{ Нм}$ ва $Q_3^H(2) = P = 2 \cdot 10^4 \text{ Н}$.

Шундай қилиб, эгувчи момент ва кесувчи куч эпюралари 6.3, а ва б-шаклларда кўрсатилгандек бўлади.

Кесувчи куч ва эгувчи моментларнинг энг катта қийматлари $Q_{\max} = 7,6 \text{ Н}$ ва $M_{\max} = 12 \cdot 10^4 \text{ Нм}$ га тенг бўлади.

6.2*-масала. Шаклда иккита тўсинларнинг ҳар бир булакчаларидаги Q ва M ифодаларини ёзинг, уларнинг эпюраларини қуринг, $M_{\max}$ ни аниқланг ва қуйидаги кесимлар юзларининг рухсат этилган қийматларини танланг: 1) доиравий кесимли ёғоч тўсиннинг диаметрини ($|\sigma| = 8 \text{ МПа}$, а-шакл); 2) қўштавр кесимли пўлат тўсиннинг кўндаланг кесимининг юзини ($|\sigma| = 160 \text{ МПа}$, б-шакл). Керакли маълумотларни 6.1-жалвалдан олинг.

Эслатма. Туғри эгилишда тўсинларнинг кўндаланг кесимлари юзларининг рухсат этилган қийматлари

$$W_x = \frac{M_{\max}}{|\sigma|}$$

формула ёрдамида аниқланади (7.1-масалага қаранг).

7. Тўғри эгилишда бош кучланишларни аниқлаш ва тўсинларнинг мустаҳкамлигини тўла текшириш

7.1-масала. 6.1-масаланинг б)-шаклидаги пулатдан ясалган қўштак кесимли тўсиннинг:

- қўндаланг кесими юзини аниқланг;
- нормал ва уринма кучланишларни, ҳамда уларнинг бош қийматлари эпюраларини қуринг;
- мустаҳкамлигини тўла текширинг;
- бош юза ва бош кучланишларни аниқланг;
- мустаҳкамликни бош кучланишлар бўйича текширинг.

Нормал ва уринма кучланишларнинг рухсат этилган қийматлари $[\sigma] = 160 \text{ МПа}$ ва $[\tau] = 100 \text{ МПа}$ га тенг. Керакли маълумотларни 6.1-жадвалдан олинг.

7.1-масалани ечиш намунаси.

Берилган: 7.1, а-шакл, $P = 40 \text{ кН}$, $q = 30 \frac{\text{кН}}{\text{м}}$, $a = 0.8 \text{ м}$, $l = 4 \text{ м}$,

$[\sigma] = 160 \text{ МПа}$, $[\tau] = 100 \text{ МПа}$.

Ечиш.

1. Таянч реакцияларини аниқлаймиз:

$$A = \frac{P(a+l) + \frac{ql^2}{2}}{l} = \frac{40 \cdot 4.8 + 30 \cdot 8}{4} = 108 \text{ кН}, \quad B = \frac{\frac{ql^2}{2} - Pa}{l} = \frac{30 \cdot 8 - 40 \cdot 0.8}{4} = 52 \text{ кН}.$$

2. Кесувчи куч ва эгувчи момент эпюраларини қурамиз. Тўсиннинг консол қисмда ($0 \leq x_1 \leq a$):

$$Q_1^1 = -P = -40 \text{ кН}, \quad M_1^1 = -Px_1 = -40x_1, \quad M_1^1(0) = 0, \quad M_1^1(a) = -40 \cdot 0.8 = -32 \text{ кНм}.$$

Таянчлар оралиғидаги бўлакчада ($0 \leq x_2 \leq l$):

$$Q_2^1 = -B + qx_2 = -52 + 30x_2, \quad Q_2^1(0) = -52 \text{ кН}; \quad Q_2^1(l) = -52 + 30 \cdot 4 = 68 \text{ кН};$$

$$M_2^1 = Bx_2 - \frac{qx_2^2}{2} = 52x_2 - \frac{30x_2^2}{2}; \quad M_2^1(0) = 0; \quad M_2^1(l) = 52 \cdot 4 - \frac{30 \cdot 16}{2} = 32 \text{ кНм}.$$

Бу ораликда эгувчи момент максимумга эга, чунки

$$Q_2^1 = -B + qx_2 = -52 + 30x_2 = 0$$


тенгламанинг ечими $x_2 = \frac{52}{30} = 1.73 \text{ м}$ қўриляётган оралиқнинг ичида жойлашган. Эгувчи моментнинг максимумини аниқлаймиз

$$(M_2^1)_{\max} = 52 \cdot 1.73 - \frac{30 \cdot 1.73^2}{2} = 45 \text{ кНм}.$$


Булардан ташқари $x_2 = \frac{52 \cdot 2}{30} = 3.46 \text{ м}$ қийматда эгувчи момент нолга тенг. яъни $M_2^1(3.46) = 0$.

Юқоридаги маълумотлар асосида қўрилган кесувчи куч ва эгувчи моментнинг эпюралари 7.1, б ва а-шаклларда келтирилган.

3. Тўсин кўндаланг кесимининг юзини аниқлаш. Эғувчи момент эпюрасидан $M_{max} = 45 \text{ кНм}$ эканлигини аниқлаймиз.



7.1-шакл



7.2-шакл

Мустаҳкамлик шартидан

$$w_y = \frac{M_{max}}{[\sigma]} = \frac{45 \cdot 10^3}{16 \cdot 10^7} = 281 \text{ см}^3.$$

Сортамент жадвалида $w_y = 281 \text{ см}^3$ қиймат пастдан энг яқин қиймат $w_y^T = 254 \text{ см}^3$ бўлиб, у 22а рақамли қўшаврга тегишли. Бу қўшаврни мустаҳкамлигини текширсак,

$$\frac{\sigma_{max} - [\sigma]}{[\sigma]} \cdot 100 = \frac{W - w_y^T}{w_y^T} \cdot 100 = \frac{281 - 254}{254} \cdot 100 = 10.6 > 5\%$$

га эга буламиз. Бу ҳолда тўсин ўзининг рухсат этилган қийматидан анча кўп юкланган бўлади.


Юқоридан энг яқин қиймат $w_y^T = 289 \text{ см}^3$ бўлиб, у 24 рақамли қўшаврга тегишли. Бу қўшаврни мустаҳкамлигини текширсак,

$$\frac{\sigma_{max} - [\sigma]}{[\sigma]} \cdot 100 = \frac{W - w_y^T}{w_y^T} \cdot 100 = \frac{281 - 289}{289} \cdot 100 = -2.77\%$$

га эга буламиз. Бу ҳолда қўштавр ўзининг рухсат этилган қийматидан бир оз кам юкланган бўлади.

7.1-жадвал

№	z см	σ	τ	$\pm \tau$	σ_1	σ_2	$\lg 2\alpha_1$	α_1
		МПа						
1	12.00	111	0	± 55.5	111	0	-0.00	$90^\circ 0'$
2	11.05	102	2	± 51	102	0	-0.0392	$-1^\circ 7'$
3	11.05	102	44	± 67	118	-16	-0.8630	$-20^\circ 24'$
4	5.52	51	53	± 59	84	-34	-2.08	$-32^\circ 10'$
5	0.00	0	56	± 56	56	-56	∞	$45^\circ 0'$
6	-5.52	-51	53	± 59	34	-84	2.08	$32^\circ 10'$
7	-11.05	-102	44	± 67	16	-118	0.8630	$20^\circ 24'$
8	-11.05	-102	2	± 51	0	-102	0.0392	$1^\circ 7'$
9	-12.00	-111	0	± 55.5	0	-111	0.00	$0^\circ 0'$



7.3-шакл


Юқоридагилардан келиб чиқиб, 24 рақамли қўштаврни танлаймиз. Сортамент жадвалидан бу қўштаврга тегишли маълумотларни оламиз: $W_y^I = 289 \text{ см}^3$, $J = 3460 \text{ см}^4$, $S_0 = 163 \text{ см}^3$, $h = 24 \text{ см}$, $b = 11.5 \text{ см}$, $t = 0.95 \text{ см}$, $d = b_0 = 0.56 \text{ см}$, $h_0 = h - 2t = 22.1 \text{ см}$ (7.2-шакл).

Қўштавр $M_{max} = 45 \text{ кНм}$ кесими эгувчи момент бўйича ҳавфли кесим бўлади. Бу кесимнинг нейтрал ўқидан энг узоқда жойлашган толаларида

$$\sigma_{max} = \frac{M_{max}}{W_y} = \frac{45 \cdot 10^3}{289 \cdot 10^{-6}} = 156 \cdot 10^4 \text{ Па} = 156 \text{ МПа}$$

нормал кучланиш пайдо бўлади.

4. Уринма кучланишлар бўйича мустаҳкамликни текшираимиз



7.4-шакл

Кесувчи куч $Q_{max} = 68 \text{ кН}$ булган кесим кесувчи куч буйича хавфли кесим булади. Бу кесимда

$$\tau_{max} = \frac{Q_{max} S_n}{b_n J_x} = \frac{68 \cdot 10^3 \cdot 163 \cdot 10^{-6}}{0.56 \cdot 10^{-2} \cdot 3460 \cdot 10^{-8}} =$$

$$= 57 \cdot 10^6 \text{ Па} = 57 \text{ МПа} < [\tau] = 100 \text{ МПа}$$

булади, яъни уринма кучланиш буйича мустаҳкамлик шарти бажарилади.

5. Энг хавфли кесимда нормал, уринма кучланишларни ва уларнинг бош юзлардаги қийматлари эпюраларини қуриш.

Энг хавфли кесим чап томондаги таянччи устида жойлашган. Бу кесимда $Q = 68 \text{ кН}$ ва $M = -32 \text{ кНм}$ га тенг.

Кўндаланг кесимнинг нейтрал ўқидан y масофада жойлашган қатламдаги нормал кучланиш

$$\sigma = -\frac{M y}{J_x} = \frac{32 \cdot 10^3 z}{3460 \cdot 10^{-8}} = 925 \cdot 10^3 z$$

формула ёрдамида ҳисобланади.

Кесимнинг кўрилатган қатламдан ташқарида ажралиб қолган қисмининг статик моментини ҳисоблаймиз:

$$S_1^1 = -S_1^0 = 0,$$

$$S_1^2 = S_1^1 = -S_1^0 = -S_1^0 = bh \left(\frac{h}{2} - \frac{l}{2} \right),$$

$$S_1^4 = -S_1^6 = S_1^2 + d \frac{h_0}{4} \left(\frac{h_0}{2} - \frac{h_0}{8} \right) = S_1^2 + \frac{3dh_0^2}{32},$$

$$S_1^4 = S_1^2 + d \frac{h_0}{4} \frac{h_0}{8} = S_1^2 + \frac{dh_0^2}{32}.$$

Қўштавр асосидаги ва деворларидаги уринма кучланишлар

$$\tau = \frac{Q \left(\frac{h^2}{4} - z^2 \right)}{2J_x}, \quad \tau = \frac{QS_x}{b_n J_x},$$

формулалар ёрдамида ҳисобланади.

Юқоридаги формулалар бўйича ҳисобланган нормал, уринма кучланишлар, уларнинг бош юзалардаги қийматлари, ҳамда бош юзаларнинг йўналишларини аниқловчи α бурчакнинг қийматлари 7.1-жадвалда келтирилган.

Жадвалдаги қийматлар бўйича ҳосил буладиган эпюраларни 7.3-шаклда ва бош нормал кучланишларнинг йўналишлари 7.4-шаклда келтирилган.

6. Мустаҳкамликни бош кучланишлар бўйича текшириш. Бош кучланишлар эпюраларидан 3 нуқта энг хавфли қатламда жойлашганлигини кўрамиз. Бу қатламда $\sigma_1 = 118 \text{ МПа}$ ва $\sigma_2 = -16 \text{ МПа}$ га тенг. Мустаҳкамликнинг учинчи назария бўйича текширамиз

$$\sigma_1 - \sigma_2 = 118 + 16 = 134 < [\sigma] = 160 \text{ МПа}.$$

Шундай қилиб, мустаҳкамлик шarti бош кучланишлар бўйича ҳам бажарилади.

7.2*-масала. Иккита пулат кўштаврларни кўндаланг кесимларининг қўйи ва юқори қисмларига узунлиги бўйлаб тунука пайвандланган. Қўштаврларни параллел жойлаштириб уни a га ва узунлиги l га тенг бўлган темир йулакча қўрилган. Йулакчада икки ўқли аравага ўрнатилган юк кўтаргич (кран) ҳаракат қилади, араванинг ва юкнинг биргаликдаги оғирлиги P га тенг (7.5-7.6-шакллар). Араванинг битта ўқиға (бир ён томонидаги иккита гилдиракларига) $\frac{n-1}{n} \cdot 2P$, иккинчисига эса $\frac{1}{n} \cdot 2P$ босим таъсир этади, бу ерда n

– умумий босим кучини гилдиракларга тақсимланишини характерловчи коэффициент. Шундай қилиб, ҳар иккала қўштавр кесимли тўсинларга

7.2-жадвал


№	Қўш- тавр	l метр	a метр	n	№	Қўш- тавр	l метр	a метр	n
1	24	2	1.4	2.1	16	40	7	1.9	2.6
2	27	3	1.5	2.2	17	45	8	2.0	2.7
3	30	4	1.6	2.3	18	50	9	2.1	2.8
4	33	5	1.7	2.4	19	55	10	2.2	2.9
5	36	6	1.8	2.5	20	60	10	2.3	3.0
6	40	7	1.9	2.6	21	24	2	1.4	1.4
7	45	8	2.0	2.7	22	27	3	1.5	1.5
8	50	9	2.1	2.8	23	30	4	1.6	1.6
9	55	10	2.2	2.9	24	33	5	1.7	1.7
10	60	10	2.3	3.0	25	36	6	1.8	1.8
11	40	9	1.9	2.6	26	40	7	1.9	1.9
12	45	8	2.0	2.7	27	45	8	2.0	2.0
13	50	7	2.1	2.8	28	50	9	2.1	2.1
14	55	6	2.2	2.9	29	55	10	2.2	2.2
15	60	5	2.3	3.0	30	60	10	2.3	2.3

$P_1 = \frac{n-1}{n}P$ ва $P_2 = \frac{1}{n}P$ юк таъсир қилади, бу ерда P - аравага таъсир этадиган босим кучининг ярми. Қуйидагиларни бажаринг: 1) қўштавр ва иккита тунукалардан иборат қўшма кесимнинг қаршилик моментини ҳисоблаб ва $[\sigma] = 160 \text{ МПа}$ бўлса, тўсинларнинг мустаҳкамлиги таъминланган ҳолда энг катта эгувчи момент қанча бўлишини аниқланг; 2) арава йўлининг қайси жойида турганда энг ҳавфли вазият юзага келишини ва бунда энг катта эгувчи момент қанча бўлишини топинг; 3) балканинг хусусий оғирлигини ҳисобга олмаган ҳолда P кучни рухсат этилган қийматининг энг катта миқдорини аниқланг; араванинг катта юк кутараётган ғилдирагини таянч устига жойлаштиринг ва $[\tau] = 90 \text{ МПа}$ бўлганда, энг катта кесувчи куч шартидан фойдаланиб, қўштаврни тунукаларга пайвандлаган чокининг мустаҳкамлигини текширинг.


Эслатма. Агар биринчи (чап томон ғилдираклардаги) юк иккинчисидан (унг томон) кўп бўлса арава энг ҳавфли кесимда турганда эгувчи моментнинг эпюраси 7.6-шаклда кўрсатилгандек бўлади. Чап таянчдаги реакция кучи

$$A = \frac{P_1(l-x)}{l} + \frac{P_2(l-x-a)}{l} = \frac{P(n-1)(l-x)}{nl} + \frac{P(l-x-a)}{nl} = \frac{P}{l} \left(l - x - \frac{a}{n} \right)$$

га тенг бўлади.



7.5-шакл



7.6-шакл

Тўсиннинг P_1 куч қўйилган кесимидаги энг катта эгувчи момент қуйидаги функция орқали ифодаланади

$$M = Ax = \frac{Px}{l} \left(l - x - \frac{a}{n} \right)$$

Ҳосил бўлган функциядан x бўйича олинган биринчи тартибли ҳосилани нолга тенглаштириб, энг катта эгувчи момент пайдо бўладиган ҳолатни ва M_1 моментни P кучга боғлиқ қийматини аниқлаймиз

8. Тўғри эгилишда деформацияларни ҳисоблаш.
Бошланғич параметрлар усули

8.1-масала. 6.1-масаланинг б)-шаклидаги тўғри тўрт бурчак кесимли тўсинларнинг эгилиш деформацияларини $x=0+0.2k$ кесимларда ҳисобланг ва уларнинг графикларини қуринг, бу ерда $k=1, 2, 3, \dots$. Керакли маълумотларни 6.1-жадвалдан олинг ($b = \frac{h}{2} = 6 \text{ см}$).

8.1-масалани ечишга оид эслатма.


Берилган: 8.1-шакл, $q, a, P=4qa, M=qa^2, E, I$. Эгилиш деформациялари $z(x)$ ва $\theta(x)$ лар тенгламаларини тузинг ва графикларини қуринг.

Ечиш.

Мувозанат шартининг $\sum M_A = 0$ тенгласини ёзамиз

$$-\frac{3}{2}qa^2 + 2aA - 4qa^2 + qa^2 = 0,$$

бу ердан $A = \frac{11}{4}qa$.



8.1-шакл

Бошланғич параметрлар тенгламасини ёзамиз:

- биринчи бўлақчада ($a \leq x \leq a$)

$$EI, z(x) = EI, z_0 + EI, \theta_0 x - \frac{qx^4}{4!};$$

- иккинчи бўлақчада ($0 \leq x \leq 2a$)

$$EI, z(x) = EI, z_0 + EI, \theta_0 x - \frac{qx^4}{4!} + qa \frac{(x-a)^3}{3!} + q \frac{(x-a)^4}{4!};$$

- учинчи бўлақчада ($2a \leq x \leq 3a$)

$$EI, z(x) = EI, z_0 + EI, \theta_0 x - \frac{qx^4}{4!} + \frac{11}{4}qa \frac{(x-a)^3}{3!} + q \frac{(x-a)^4}{4!} - 4qa \frac{(x-2a)^3}{3!}.$$

Таянчлардаги шартларни тенгламаларга қўямиз:

- тўсиннинг чап томондаги таянчи устида

$$EJ, z(a) = EJ, z_a + EJ, \theta_a - \frac{qa^4}{24} = 0;$$

- ўнг томондаги таянч устида

$$EJ, z(3a) = EJ, z_a + EJ, \theta_a \cdot 3a + \frac{88}{24} qa^4 - \frac{2}{3} qa^4 - \frac{81}{24} qa^4 + \frac{16}{24} qa^4.$$

Бу ердан

$$EJ, z_a + EJ, \theta_a - \frac{qa^4}{24} = 0, \quad EJ, z_a + EJ, \theta_a \cdot 3a + \frac{7}{24} qa^4 = 0$$

ёки

$$\theta_a = -\frac{1}{6} \frac{qa^3}{EJ}, \quad z_a = \frac{5}{24} \frac{qa^4}{EJ}.$$

Шундай қилиб, ҳар бир бўлакчалардаги деформацияларни аниқлаш тенгламалари қуйидаги кўринишда бўлади:

- биринчи бўлакчада ($a \leq x \leq a$)

$$EJ, z(x) = \frac{5}{24} qa^4 - \frac{1}{6} qa^3 x - \frac{qx^4}{24};$$

- иккинчи бўлакчада ($0 \leq x \leq 2a$)

$$EJ, z(x) = \frac{5}{24} qa^4 - \frac{1}{6} qa^3 x - \frac{qx^4}{24} + \frac{11}{24} qa(x-a)^3 + q \frac{(x-a)^4}{24};$$

- учинчи бўлакчада ($2a \leq x \leq 3a$)

$$EJ, z(x) = \frac{5}{24} qa^4 - \frac{1}{6} qa^3 x - \frac{qx^4}{24} + \frac{11}{24} qa(x-a)^3 + q \frac{(x-a)^4}{24} - \frac{2}{3} qa(x-2a)^3.$$

Кесимлар бурилиш бурчакларининг тенгламаси қуйидагича бўлади:

- биринчи бўлакчада ($a \leq x \leq a$)

$$EJ, \theta(x) = -\frac{1}{2} qa^3 - \frac{qx^3}{6};$$

- иккинчи бўлакчада ($0 \leq x \leq 2a$)

$$EJ, \theta(x) = -\frac{1}{2} qa^3 - \frac{qx^3}{6} + \frac{11}{8} qa(x-a)^2 + q \frac{(x-a)^3}{6};$$

- учинчи бўлакчада ($2a \leq x \leq 3a$)

$$EJ, \theta(x) = -\frac{1}{2} qa^3 - \frac{qx^3}{6} + \frac{11}{8} qa(x-a)^2 + q \frac{(x-a)^3}{6} - 2qa(x-2a)^2.$$

Ҳосил бўлган тенгламаларга x нинг қийматларини қўйиб тегишли кесимнинг деформациялари ҳисобланади. Масалан:

- чап томондаги таянч устида

$$EJ, \theta(a) = -\frac{1}{6} qa^3 - \frac{qa^3}{6} = -\frac{qa^3}{3};$$


- ўнг томондаги таянч устида

$$EJ, \theta(3a) = qa^3 \left(\frac{1}{6} - \frac{27}{6} + \frac{44}{8} + \frac{8}{6} - 2 \right) = \frac{qa^3}{6};$$

- тўсиннинг P куч қўйилган кесимида

$$EI_z(3a) = qa^4 \left(\frac{5}{24} - \frac{2}{6} - \frac{16}{24} + \frac{11}{24} + \frac{1}{24} \right) = -\frac{7}{24} qa^4.$$

Эгувчи моментнинг эпюраси ва тўсин ўқининг эгилиш деформацияси (салқилигининг) умумий кўриниши 8.2-шаклда келтирилган. Шаклда эгилиш деформациясининг графиги штрихланган эгри орқали ифодаланган.



8.2-шакл

Эгувчи момент ва салқилик орасида қуйидаги боғланишлар мавжуд:

- эгувчи момент нолга тенг бўлган нуқталар салқилик графигидаги қабарикликнинг бошланиш ёки тугаш (салқилик графигининг эгилиш) нуқтасига мос келади;

- тўсиннинг эгувчи момент мусбат бўлган бўлакчаларида салқилик графигининг қабариклиги пастга, манфий бўлган бўлакчаларда эса юқорига қараган бўлади.

8.2-масала. 6.1-масаланинг а) ва б)-шаклларидаги № 24 қўштакв тўсинларнинг эгилиш деформациялари тенгламаларини эгилган ўқининг дифференциал тенгламаларини интеграллаш усули ёрдамида тузинг. Эгилиш деформацияларининг энг катта қийматларини аниқланг. Керакли маълумотларни 6.1-жадвалдан олиг.

8.2-масалани ечишга оид кўрсатмалар.


А. 8.3-шаклдаги консолни ўқининг деформация тенгламаларини тузинг.

Ечиш.

Консолнинг ихтиёрий x кесимидаги эгувчи моментнинг тенгласи қуйидагича бўлади

$$M(x) = M_A + Ax - q \frac{x^2}{2},$$

бу ерда $M_A = -\frac{ql^2}{2} - Pl$ ва $A = ql + P$ - қўзғалмас таянчдаги реактив эгувчи момент ва куч.



8.3-шакл

Эгувчи момент тенгласини эгилган ўқнинг дифференциал тенгласига қўямиз

$$\frac{d^2 z}{dx^2} = \frac{1}{EJ} \left(-\frac{ql^2}{2} - Pl + qlx + Px - \frac{qx^2}{2} \right).$$

Ҳосил бўлган дифференциал тенгламани икки марта интеграллаймиз:

$$\frac{dz}{dx} = \theta = \frac{1}{EJ} \left(-\frac{ql^2 x}{2} - Plx + ql \frac{x^2}{2} + P \frac{x^2}{2} - \frac{qx^3}{6} \right) + C;$$

$$z = \frac{1}{EJ} \left(-\frac{ql^2 x^2}{4} - Pl \frac{x^2}{2} + ql \frac{x^3}{6} + P \frac{x^3}{6} - \frac{qx^4}{24} \right) + Cx + D.$$

Бу тенгламалардаги интеграл доимийлари C ва D консолнинг чап томонидаги чегара шартларидан топилади. Консолнинг чап томон чегараси, яъни $x=0$ кесимда $z_1=0$ ва $\theta_1=0$. Бу шартларни оқоридаги тенгламаларга қўямиз

$$z_1 = D = 0 \text{ ва } \theta_1 = C = 0.$$

Шундай қилиб, кўрилатган тусиннинг деформация тенгламалари қуйидагича бўлади:

$$\theta(x) = \frac{1}{EJ_1} \left(-\frac{ql^2 x}{2} - Plx + ql \frac{x^2}{2} + P \frac{x^2}{2} - \frac{qx^3}{6} \right);$$

$$z(x) = \frac{1}{EJ_1} \left(-\frac{ql^2 x^2}{4} - Pl \frac{x^2}{2} + ql \frac{x^3}{6} + P \frac{x^3}{6} - \frac{qx^4}{24} \right).$$

Деформациялар ўзининг энг катта қийматларига консолнинг эркин учига (ўнг томон чегасида) эришади:

$$z(l) = -\frac{1}{EJ_1} \left(\frac{Pl^3}{3} + \frac{ql^4}{8} \right);$$

$$\theta(l) = -\frac{1}{EJ_1} \left(\frac{Pl^2}{2} + \frac{ql^3}{6} \right).$$

Агар тўсинга фақат P куч таъсир этса ($q = 0$)

$$z(l) = -\frac{1}{EJ_1} \frac{Pl^3}{3} \quad \text{ва} \quad \theta(l) = -\frac{1}{EJ_1} \frac{Pl^2}{2}$$

булади.

Агар тўсинга фақат q куч таъсир этса ($P = 0$)

$$z(l) = -\frac{1}{EJ_1} \frac{ql^4}{8} \quad \text{ва} \quad \theta(l) = -\frac{1}{EJ_1} \frac{ql^3}{6}$$

булади.

В. 8.4-шаклдаги тўсиннинг салқилиги ва кесимларнинг бурилиш бурчагини аниқланг.

Ечиш.

Ихтиёрий x кесимдаги эгувчи моментнинг тенгламасини ёзамиз

$$M(x) = Ax - \frac{qx^2}{2} = \frac{qlx}{2} - \frac{qx^2}{2}.$$

Эгилган ўқнинг дифференциал тенгламасига $M(x)$ ни қўямиз

$$\frac{d^2 z}{dx^2} = \frac{1}{EJ_1} \left(\frac{qlx}{2} - \frac{qx^2}{2} \right).$$

Икки марта интегралласак

